

# АГАР БОЛАМ СОГЛОМ БҮЛСИН ДЕСАНГИЗ



ЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАР  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА  
ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

# АГАР БОЛАМ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

ОИЛАДА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИГА  
АМАЛ ҚИЛИШГА ОИД БИЛИМЛАР, МАЛАКА ВА  
КЎНИКМЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ

*Мактабгача таълим муассасаси мураббийлари ва  
ота-оналар учун методик қўлланма*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методик маркази қошида ташкил этилган Илмий-методик кенгаши томонидан нашрға тавсия этилди*

Ота-оналарга ёрдам тариқасида чоп этилаётган мазкур китобчада ривожланишининг турли босқичларида мактабгача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбиясига доир асосий йўналишлар кўриб чиқилади. Унда жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришдаги аҳамияти, мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий меҳнат гигиенаси, таълим ва тарбия руҳий гигиенаси, меҳнат тарбияси, умумий ва шахсий гигиена, овқатланиш гигиенаси, шунингдек, маданий-гигиеник кўниклар ва ўз-ўзига хизмат қилиш маҳоратини тарбиялаш, шикастланишларнинг олдини олиш ва жинсий тарбияга доир масалалар қамраб олинган.

Китобча педагогика олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилари, ота-оналар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Тузувчи муаллифлар: *Д. Шарипова, М. Тоирова,  
С. Мухамедиева*

Тақризчилар: психология фанлари номзоди,  
доцент *М.Ш. Расулова*;  
биология фанлари доктори  
*Б.А. Содиков*;  
педагогика фанлари номзоди,  
доцент *Г.А. Содикова*.

## КИРИШ

Саломатлик — ижтимоий қадрият, шу боис уни муҳофаза этиш билан боғлиқ муаммолар, энг аввало, инсонни, унинг манфаатлари ва ташвишларини устун қўйган ҳолда, иқтидорий салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлашга доир фаол ижтимоий сиёsat олиб боришни талаб этади.

Истиқтол юилларида халқимизнинг қаддини кўтарадиган, унинг шаън-шавкатини улуғлайдиган, фуурига фуур қўшадиган ва асрий орзулари рӯёбга чиқишига замин яратадиган қўпдан-кўп ишлар амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Соғлом авлодни етиштириш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларга истиқбол эгалари деб қарашиб ҳалқ келажагига бёвосита дахлдор масала сифатида истиқбол сиёsatининг узвий қисмига айланган ва моҳият эътибори билан, шу эзгу мақсадга хизмат қиласди.

2000 йили мамлакатимизда „Соғлом авлод“ йили деб эълон қилинган эди. Ундан кўзда тутилган асосий мақсад истиқтолнинг дастлабки юилларидан бошлаб соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кўламли ишларни янги босқичга кўтариш, жамиятда юксак масъулият психологиясини тўла шакллантиришдан иборат бўлган.

Бир сўз билан айтганда, олдимизга қўйган барча мақсадларимизнинг, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз курилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг, эзгу интилишларимизнинг маъно-моҳияти соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишидир.

Биз соғлом авлод деганда нимани тасаввур қиласми? Соғлом авлод фояси орқали биз олдимизга қандай мақсадларни қўямиз?

„Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади...

... Шубҳасиз, соглом авлод орзуси аждодларимиздан биштиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишdir. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини курамиз.

Лекин соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қиласди“, — деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Соғлом авлодни тарбиялаш вазифасининг пировард мақсади миллатнинг ҳар томонлама уйғун баркамоллигини таъминлашдан иборат. Соғлом миллат эса буюк давлатни, мукаммал, эркин фуқаролик жамиятини бунёдга келтиради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз томонидан қабул қилинган бир қатор муҳим ҳужжатларни амалга оширишга аҳолининг барча қатламлари тобора фаол қатнашаётгани ҳам муваффақиятларимиз гарови ҳисобланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, Президентимизнинг 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилишларида чуқур рамзий маъно бор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялаш, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишига кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасида қўйидаги асосий мақсадли вазифалар ва йўналишлар белгилаб берилган:

— одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақдашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳәётий фалсафани шакллантириш;

— оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оиласда турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш;

— аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб этишида ота-оналар ва педагоглар ролини кучайтириш;

— гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан, сил хасталиги ва ОИВ/ОИТС тарқалишига қарши аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни ташкил этиш;

— аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, экология меъёрларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;

— аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишини, айниқса, болаларни спортга жалб этишни фаоллаштириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги «Сиҳатсаломатлик йили» Давлат дастури тўғрисидаги 30- рақамли қарорининг 1-иловасида кўрсатиб ўтилган тадбирлар мажмуида «...оиласида тиббий маданиятни ошириш, ўсиб келаётган авлодни жисмонан тарбиялаш» учун шарт-шароитларни яхшилаш бўйича «Соғлом оила» тарбиявий-маърифий лойиҳасини амалга ошириш, бошлангич синфлар учун «Саломатлик дарслари» ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш кабилар кўрсатиб ўтилган. Ушбу вазифаларни ҳаётга жорий қилиш ва Президентимизнинг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонига таянган ҳолда таълим-тарбия тизимининг дастлабки босқичи бўлган мактабларимизда, мактабгача тарбия муассасалари ва оиласида ота-оналарга беминнат ёрдамчи бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган мазкур китобча дунёга келди. Дошишмандлардан бири: «Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир, чунки ўзини ва теварак-атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра мухимроқ иш йўқ», деган экан.

Шуни назарда тутиб, китобчада гигиена ва соғлиқни сақлаш масалалари юзасидан мактабгача ёшдаги болаларда шакллантирилиши лозим бўлган билим, кўнікма ва малакаларнинг намунавий (таксиний) ҳажми берилган. Умид қилалими, бу услубий тавсиялар ота-оналар учун қимматли манба бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларни оиласида жисмонан ва руҳан

соғлом қилиб тарбиялашлари учун хизмат қилади. Зота даврнинг ўзи ота-оналар ҳам таълим-тарбия борасида пухта билимга, юксак педагогик маҳорат ва тажрибага эга булишларини тақозо этмоқда.

## **Ота-оналар, бўлгуси тарбиячиларнинг мактабгача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбиясига оид билимларини ошириш**

Саломатлик — энг олий баҳт. Донолар айтганидек — соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.

Саломатлик — инсоннинг узоқ умр кўриши ва ижодий режаларини амалга ошириши, жамият фаровонлиги учун меҳнат қилиш, мустаҳкам оила қуриш, фарзандларни дунёга келтириш ва тарбиялашидаги зарурий шарт-шароитлар асосини ташкил этади.

Саломатликни муҳофаза қилиш ва уни мустаҳкамлашни ўргатувчи фан гигиенадир.

Гигиена инсон аъзоларининг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирини ўрганади ва шу асосда унинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган гигиена талабларини ишлаб чиқади.

Гигиеник таълим-тарбия соғлиқни сақлаш омилидир. Буюк ватандошимиз, шайхулраис Абу Али ибн Сино ўзининг гигиенага оид рисолаларида бу масалага муфассал тўхталиб ўтганини қайд этиш лозим. Жумладан, буюк олим гигиена нимадан баҳс қилади, деган саволларга равшан қилиб:

«Соғлиқни сақлаш санъати ўлимдан сақлаш ва гавдани сиртқи оғатлардан қутқаришга кафил бўла олмайди. . . балки икки нарсага: (түгма намликтининг) сасишни тубдан ман қилишга ва ҳўлликни тез тарқатишдан сақлашга кафил бўла олади», деган эди.

Кўпгина шарқ оиласлари, шу жумладан, ўзбеклар ҳам катта оила булиб яшашга одатланишган. Қариялар ва катта ёшдаги одамлар тез-тез шамоллаб, юқумли қасалликлар билан оғриб туришади, негаки, уларнинг иммунитети ёки аъзоларининг хасталикка қарши қурашиб қобилияти бирмунча сусайган бўлади. Кичик ёшдаги болалар, чақалоқлар ҳам кўп қасалланиб туришади, бунинг сабаби эса уларнинг иммунитети ҳали тўла шаклланиб улгурмаганлигидадир. Оила аъзоларининг руҳий ва жисмоний саломатлигига руҳий иқлим ҳам катта таъсир ўтказади.

Оилада нохуш руҳий иқлиминг мавжудлиги оила аъзолари руҳий саломатлигининг бузилишга олиб келади, улар, асосан, қўйидаги омиллар туфайли юзага келиши мумкин:

- айрим оила аъзоларининг ихтилофолди ёки зиддиятли вазиятларни юзага келтириши мумкин бўлган бир ёки бир нечта характерли қирраларининг (ўта таъсирчанлик ёхуд тўсқинлик қилишга мойиллик) алоҳида кўзга ташланиб қолиши;
- жисмоний, руҳий ёки ахлоқий табиатга монанд зўравонлик (вербал) таъсири;
- қўрқув, даҳшат, кутиш, ҳижрон ҳолатларининг турли кўринишларда намоён бўлиши;
- оила аъзоларидан бирининг айби билан юзага келадиган насиҳатомуз (дидактогенли) неврозлар.

Шу билан бирга:

- оилада кимдир заарли одатлар (гиёҳвандлик, токсикомания, тамаки, нос чекиши, спиртли ичимлик ичиши)га ружу кўйган бўлса;
- оиланинг катта ўшдаги аъзолари болалар ва ўсмирларнинг ёшига доир, жинсий, ўзига хос жисмоний хусусиятларини яхши билмай, уларни тўғри баҳолай олмаса;
- агар оилада чиниқиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш зарурлигига, кун тартибига амал қилишга етарли даражада эътибор берилмаса, буларнинг барчаси оила аъзоларининг руҳий саломатлигига жиддий путур этишига олиб келади.

Санитария — бу гигиенага доир меъёрлар, талаблар ва қоидаларни ҳаётга жорий этиш демакдир. Ташқи муҳитдаги омилларнинг одам аъзоларига таъсирини ўрганишда санитария услубларидан фойдаланилади. У турли обьектларни: маҳаллалар, аҳоли яшаш пунктлари, одамлар яшайдиган хоналарни текшириб кўриш ва уларнинг санитария ҳолатини қайд этишни кўзда тутади.

Мактабгача ўшдаги болаларнинг гигиеник билимлари, малака ва қўникмаларини шакллантириш уларга оид мавжуд билимлар ҳажмини аниқлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бунда, энг аввало, болаларнинг ўшини ҳисобга олиш талаб этилади.

Оилада тарбиявий ишларни режалаштириш ва ташкил этишда шуни назарда тутиш лозимки, ўзаро бир-бири билан

боғлиқ гигиеник ва педагогик таъсир кўрсатиш мажмуиди иборат бўлган муайян тизимни амалга оширган тақдирдагина гигиеник тарбия муваффақиятли бўлиши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларга уй шароитида, буш вақтларда, турли фаолиятлар жараёнида гигиеник кўникмаларни сингдириш ота-оналар ҳамда бошқа оила аъзолари томонидан амалга оширилади. Бу ҳол оила ва бошқа жойларда гигиеник тарбияни назорат қилиш, гигиеник билим ва кўникмалар ҳосил қилишга болаларнинг ўзини кенг жалб қилиш имконини беради.

Болалар гигиена ва тибиёт соҳасига оид дастлабки билимларни, малака ва кўникмаларни нутқ эгаллаш ва табиат билан танишиш машғулотларида, дидактик ва сюжетли-ролли ўйинларда, республикамизнинг минтақавий хусусиятлари ва миллий анъаналарига доир ахлоқий суҳбатлар жараёнида оладилар.

Бола мавжуд мураккаб оламда яшайди. Атроф-муҳитдаги турли-туман ўзгаришлар унинг аъзоларига фоят хилма-хил таъсир ўтказади. Бу жиҳатлар мактабгача ёшдаги болаларни гигиеник тарбиялаш тизимида ўз ифодасини топиши лозим. Республикамизда бу тизимни ишлаб чиқиш бошланган бўлиб, у ташкилий-бошқарув тузилмасини ҳам, уни илмий методик жиҳатдан таъминлашни ҳам назарда тутади ҳамда муайян мазмун, тамойиллар, шакллар, усул ва воситаларни ўз ичига олади.

Мазкур тизимни амалга ошириш оилада ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида гигиеник кўникмаларни ҳосил қилишга, гигиеник тарбиянинг изчиллигини таъминлашга имкон берадиган тегишли санитария шарт-шароитлари яратилган тақдирдагина муваффақиятли бўлади.

Атроф-муҳитнинг ҳар турли омилларини инсон руҳий саломатлигига таъсирини билиш ва тўғри баҳолаш орқали зарарли таъсирларни тугатиш ва бартараф этишга, касалликлар билан курашиш, оиладаги ва маҳалладаги меҳнат ва турмуш шароитларини соғломлаштиришга ёрдам берадиган меъёрлар ҳамда қоидалар ишлаб чиқилган.

Ҳар бир ота-она, мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг (МТМ) бўлгуси тарбиячилари ва талabalар ўзларининг болалар билан иш олиб боришдек кундалик фаолиятларида мактабгача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбиясига доир дастурдан фойдаланишлари мумкин. Улар МТМ, оилада гигиеник одатларни ўзлаштириб олишга имкон берадиган тегишли санитария шароитларини яратиш, гигиеник тарбия-

инг бир ёш гуруҳидан иккинчисига ўтишдаги изчиллигини таъминлаб берадиган, зарурий тиббий ва гигиеник билимларга эга бўлган тақдирларида гигиеник мактабгача тарбияни тизимни амалда жорий этиш мумкин бўлади.

Мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган мактабгача тарбия бўйича замонавий дастурлар ва мактабгача тарбия тамойиллари асосида тушиб чиқилган.

Оиласда гигиеник тарбияни турли хил ёшдаги болалар билан олиб бориш мумкин, жумладан:

- 1 ёшдан 3 ёшгacha;
- 3 ёшдан 5 ёшgacha;
- 5 ёшдан 7 ёшgacha.

Мактабгача тарбия муассасалари юксак санитария маданияти намунаси бўлишлари ва ота-оналар билан тегишли ишлар олиб боришлари, уларни боланинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришлари лозим.

Қуйида гигиеник тарбияга доир дастур мавзулари ва уларнинг ишланмалари берилади.

### **1-мавзу. Жисмоний тарбия ва чиниқтиришнинг соғломлаштирувчи аҳамияти**

Жисмоний тарбия ва чиниқтиришнинг соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва жисмоний тайёргарликни яхшилаш, организмнинг турли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини ошириш, қомат бузилишининг олдини олишдаги аҳамияти. Фаол ҳаракат тартиби, дам олиш тўғрисида тушунча. Ҳаракатланиш хусусиятларини ривожлантимишда ҳаракатли машқларнинг аҳамияти кўриб чиқилади.

Мазкур мавзуда қуйидаги билимлар ёритилади: эрталабки гигиеник бадантарбия, чиниқтириш, тўғри қоматни сақлаш, ҳаракат тартибини тарбиялаш.

### **2- мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий меҳнат гигиенаси руҳий таълим-тарбия гигиенаси**

Бунда ақлий фаолиятни ташкил этиш ва ақлий ишларни тартибга солишга доир масалалар ёритилган. Бундан мақсад— ҳаддан ташқари чарчаш ва асабийликнинг олдини олишdir. Ишchanлик қобилияти ва унинг ривожланиши тўғрисида тушунча. Неврозлар ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, болага нисбатан эҳтиёткорона муносабат.

Мазкур мавзуда қуйидаги билимлар ёритилған: мактабгача ёшдаги болаларнинг кун тартиби, яъни фаолият ва дам олишнинг ҳар хил турлари гигиенаси, ухлаш гигиенаси, руҳий соғлигини ҳимоя қилиши.

### **3- мавзу. Меҳнат тарбияси гигиенаси**

Ушбу мавзуда тұғри ва оқилона ташкил этилған меҳнат тарбияси мактабгача ёшдаги болаларнинг аъзолари ва асаб тизимлари фаолиятига, соғлигини мустаҳкамлашга ижобий таъсир күрсатиши күриб чиқылади.

Меҳнат ҳаракатларини бажариш ақлий юмушнинг жисмоний юмушга ўтишига имкон беради.

Меҳнатнинг ўзига хос турлари (пахтакорлар, боғбонлар, пиллачиilar меҳнати) билан танишириш. Қуйидаги шартларга риоя қилғандагина меҳнат тарбиясини муваффақиятли амалга ошириш мумкин бўлади:

— болалар соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг жисмоний ва руҳий имкониятларини ҳисобга олиш ҳамда болаларнинг қўлидан келмайдиган ва соғлигига зарар етказадиган меҳнат билан шуғулланишига йўл қўймаслик;

— меҳнат гигиеник шароитда ўтиши, уйдаги хоналарнинг тозалигини, ёруғликнинг етарли эканлигини, болалар гавдасининг тұғри бўлишини кузатиб бориш, уларнинг чарчаб қолишига йўл қўймаслик;

— меҳнат қуролларининг болаларга мослаштирилган, фойдаланиш учун қулай бўлиши.

### **4- мавзу. Умумий ва шахсий гигиена**

Ушбу мавзуда умумий ва шахсий гигиенага риоя қилиш орқали юқумли касалликлар ва гижжанинг кўпайишини олдини олиш, экологиянинг саломатликка таъсири ҳақида маълумот берилади. Шахсий ва умумий гигиенага оид билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш турли касалликларнинг олдини олишга ва гигиена маданиятини тарбиялашга ёрдам беради.

Худди шунингдек, мавзу юқумли касалликлар, экология ва саломатликка доир бўлимларни ўз ичига олади.

### **5-мавзу. Овқатланиш гигиенаси**

Тұғри, тұлақонли овқатланиш, калорияли, витаминалаштирилган, сифатли таомларни ўз вақтида истеъмол қилиш, дид билан безатилган овқатлар боланинг нормал, ақлий ва

Хисмоний ривожланишига ёрдамлашиши хусусида маълумот беради.

Мавзу қуидаги бўлимларни ўз ичига олади: овқатларнинг аҳамияти ва таркиби, овқатланиш тартиби, овқатланиш қоидалари.

### **6-мавзу. Маданий-гигиеник кўникмалар ва ўзига ўзи хизмат қилиш малакасини тарбиялаш**

Бунда маданий гигиеник кўникмалар, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда уларнинг аҳамияти, ўзига ўзи хизмат қилиш ҳамда уларнинг маданий-гигиеник кўникмаларни шакллантиришдаги ўрни, тўғри ўтириш, турли нарса-буюмлардан оқилона фойдаланиш маҳоратини мустаҳкамлаш, болаларни озодаликка ўргатиш одатини тарбиялаш кабилар кўриб чиқилади.

### **7-мавзу. Шикастланишнинг олдини олиш**

Травматизм (шикастланиш) болалар ўлими ва нормал ҳаётий фаолияти бузилишининг сабабларидан биридир. Ҳулқатвор маданияти кўникмаларини ва тўғри гигиеник одобни тарбиялаш.

Ушбу мавзу бўлимлари: йўл транспорт ҳодисаларининг, майший шикастланишнинг олдини олиш ва шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш.

### **8- мавзу. Жинсий тарбия**

Мактабгача ёшдаги болаларнинг уйғун тарзда ривожланишида, заарли одатларнинг олдини олишда жинсий ва ахлоқий тарбиянинг тутган ўрни ёритилади.

Бу мавзуда мактабгача ёшдаги болаларда жинсий тарбиянинг гигиеник жиҳатлари, ҳар иккала жинсдаги болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Мавзу айрим ахлоқий масалалар, ўзига хос заарли одатларга доир бўлимлардан ташкил топган.

Ота-оналарга қуидагиларни эслатиб ўтишимиз лозим:

— тавсия этилган мавзулар гигиеник тарбия ва таълим жараённида болалар эгаллаши лозим бўлган билимлар тарзида тақдим этилган;

— ҳар бир мавзу болаларнинг ёш гуруҳларидан келиб чиқиб, малака-маҳоратни шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар, шунингдек, кўникмалар, малакалар ва одатларга

бўлинган. Ҳар бир бўлим билан танишув ота-оналарга фарзандлари устидан назорат ўрнатиш ва болалар ушбу кўникмаларни ўз вақтида эгаллаб олишларига кўмаклашишда ёрдам беради.

**Эрта ёшдаги (1—3 ёш) болаларда шакллантириладиган саломатликни муҳофаза қилишга доир билим, малака ва кўникмалар**

**1-мавзу. Жисмоний тарбия ва чиниктиришнинг соғломлаштирувчи аҳамияти**

Кўникмаларни шакллантириш учун зарур маълумотлар	Мактабгача ёшдаги болалар эгаллаши зарур бўлган кўникма, малака ва одатлар
<b>1. Эрталабки гимнастика — бадантарбия</b>	
Эрталабки бадантарбиянинг соғлиқни мустаҳкамлашдаги аҳамияти. Бадантарбия учун зарур шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар. Эрталабки бадантарбия машқлари мажмуи тўғрисидаги тушунча ва мактабгача ёшдаги гурӯҳлар учун машқларни танлаб олиш.	Ҳар куни эрталаб бадантарбия қилиш. Ҳаракатларни намунага мувофиқ бажариш. Бадантарбияни очиқ ҳавода, енгил кийимда бажариш. Эрталабки бадантарбия машқларини сув муолажалари билан тугаллаш (катталар кўмагида). Эрталабки бадантарбия машқларини аниқ ва изчил бажариш.
<b>2. Чиниктириш</b>	
Чиниктиришнинг табиий омиллари: қуёш, ҳаво ва сув. Сув муолажалари: сув ҳавзалирида чўмилиш, юваниш, артиниш.	Юз ва қўлларни ювиш, сувни сачратмаслик, совундан тўғри фойдаланиш, юз ва қўлларни сочиқ билан артиш. Ёзда очиқ ҳавода иложи борича кўпроқ бўлиш. Очиқ сув ҳавзасида чўмилиш (гигиена талабларига амал қилган ҳолда).

### 3. Қоматни тұғри туғиши

Тұғри қомат ҳақида түшунча. Тұғри қоматни шакллантирувчи ва оёқ, кафти мускул гурухларини мустаҳкамлашга зəтибор бериш. Яссиоёқликтің олдини олиш. Қоматни тұғри туғиши шакллантириш.

Катталарнинг назорати остида жисмоний машқларни мунтазам бажариш. Тұғри қоматни шакллантириш, ясситовоңликнинг олдини олишга имкон берадиган мушаклар гурухини шакллантириш. Машғулотларда, бир оз олдинга әнгәшиб, тұғри үтириш, бошни ҳаддан ташқары қуи солмаслик, күкрак билан стол четларига суюн-маслик, оёқларни тұғри ёки үтмас бурчак остида букиб үтириш.

### 4. Ҳаракатлантирувчи тартиб

Ҳаракатлар ҳақида түшунча. Сайр қилишлар ва уларнинг ақамияти. Ҳаракатли үйинларнинг ақамияти. Мактабгача ёшдаги гурухлар учун ҳаракатли үйинларни танлаб олиш.

Хар қунги сайдарларда иштирок этиш. Ҳаракатли үйинларда үйинчоқлар ва жисмоний машқларда спорт анжомлари билан фаол иштирок этиш.

### 5. Ҳаракатларни ривожлантириш

Ҳаракатлар ривожини тако-миллаштириш. Тұғри ҳаракат қилиш күнінімалари маҳоратини тарбиялаш. Құл ва бар-моқларнинг майда ҳаракатлари ва умумий ҳаракатлари мувоғиқлашувини ривожлантириш. Үз ҳаракатларини атроф-мухитға мослаб бошқара билиш (ҳаракатни түх-

Тұғри юриш, тирмашиб чиқиш, чопиш, тұп отиш ва бошқа буюмларни отиш, ҳаракатли үйинларни бошқара билиш. Бир вақтнинг үзіде құл ва оёқларнинг түрли ҳаракатларини бажара олиш, әркін юриш ва чопиш, құл ва оёқлар ҳаракатини мослаш, оёқни судраб босмаслик; иккі оёқ билан шиддатлы ҳаракат

татиш, унинг суръатини ўз-гартириш ва ҳ.к.).

қилиб сакраш, бир жойда туриб сакраганда ерга юмшоқ тушиш, эмаклаш ва тирмашиб чиқиши машқ қилиш, мувознатни сақлашни машқ қилиш; тўпни дадил иргитиш ва қўл бармоқлари билан тутиб олиш. Фазода олишни ривожлантириш, бирга ҳаракат қилиш, тез, енгил, ҳамма учун умумий суръатда ҳаракат қилиш, гавданинг тўғри ҳолатини сақлаш, велосипедда учишни билиш.

## 2-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий меҳнат гигиенаси Таълим ва тарбия руҳий гигиенаси

Кўникмаларни шакллантириш учун зарур маълумотлар	Мактабгача ёшдаги болалар эгаллаши зарур бўлган кўникма, малака ва одатлар
<b>1. Кун тартиби</b>	
Кун тартибига риоя қилишнинг соғлик ва уйғун ривожланиш учун аҳамияти. Кичик ёшдаги болалар гуруҳи учун айрим тартиб жиҳатларига вақтни тўғри тақсимлаш.	Кун тартибига риоя қилиш.
<b>2. Ақлий меҳнат гигиенаси</b>	
Ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш: фаолият турларини алмаштириб туриш, ўз вақтида тўлақонли дам олиш. Ҳар турли ақлий фаолият билан	Иш жойини озода сақлаш. Физкультдақиқаларни бажариш. Турли ақлий фаолият турлари оралиғидаги танаффусларда тўғри дам олиш.

шүгүлланишлар оралығындағи танаффұсларда физкультдақи-қаларни тайинлаш ва бажа-риш. Қандай дам олиш керак.	
--	--

### 3. Оқилона дам олиш

Фаол дам олиш турлари (ха-ракатлы ўйинлар, сайллар).	МТМдан ташқарыда, якшан-ба күнләри түғри дам олиш.
--	--

### 4. Ухлаш гигиенаси

Үйқу дам олишнинг тұла-қонлы тури. Үйқуга қўйиладиган гигиеник талаблар, ухлаш олдидан ўтказиладиган гигиеник тадбирлар.	Ухлашга айнан бир вақтда ётиш. Үйқудан олдин юви-ниш, алоҳида ўринда ухлаш.
--	---

## З-мавзу. Мәхнат тарбияси гигиенаси

1. Атроф-муҳитни ташкил этиш	
Энг оддий топшириқларни бажариш чоғида гигиена талабларига риоя қилиниши, ўз-ўзига хизмат қилиш ва айрим мәхнат ҳаракатларини бажа-ришга қўйиладиган гигиеник талаблар. Мәхнат фаолияти иштиёқини тарбиялаш.	Бошлаган ишни охирига етказа билиш, асбобларни йигиштириш, белгиланган тартибга риоя этиш.

2. Мәхнатни ташкил этиш ва шикастланишнинг олдини олиш	
Топшириқларни бажариш. Хўжалик-маиший мәхнат. Уйда тартиб сақлашда иштирок этиш.	Столни безатишни билиш, қошиқлар, стулларни қўйиб чиқиш. Ўйинчоқларни йигиштириб қўйиш. Йўлакларни супуриш, улардаги қорни тозалаш. Оёқ кийими ва устки кийимларни мустақил ва белгиланган тартибда ечиш ҳамда кийишни билиш, тутгаларни ечиш ва

	қадаш, бөгичларни ечиш ва боғлаш, кийимларни ўз жойига тахлаб қўйиш. Балиқ, күшлар, ҳайвонларни боқиши. Меҳнат ҳаракатларидан кейин қўл ювиш.
<b>3. Ўзига ўзи хизмат қилиш</b>	
Муайян изчилликда ечиниш ва кийиниш.	Тартибли ва озода бўлиш, кийимдаги тартибсизликни сезиш. Кийимларни тахлаш ва осиб қўйишини билиш.

#### 4-мавзу. Умумий ва шахсий гигиена

<b>1. Шахсий гигиена</b>	
Шахсий гигиена қоидаларига амал қилишнинг соғлик учун аҳамияти, қўл, оёқ, баданни ювиш ва кийимларни алмаштириш қоидалари. Гигиеник тадбирларни бажариш билан боғлиқ ҳаракатлар ва предметлар сифати ҳамда хусусиятларини билиш. Тишларни парваришилаш қоидалари. Ташқи аъзоларни тоза сақлаш.	Овқатланиш олдидан, ҳожатхонага боргандан сўнг ва ҳар қандай ифлос ишлардан кейин (далада ишлаш, жониворлар билан ўйнагандан кейин) қўл ювиш. Қўл ва оёқ тирноқларини ўз вақтида олиш. Юваниш, кийиниш, чўмилиш жараёнларини тўғри айта олиш ва билиш маҳорати. Юваниш учун зарур бўладиган нарсалар (совун, сочиқ, мочалка ва бошқалар)ни билиш. Юз ва қўлни ювиш, ювингандан кейин артиниш, сочиқни мустақил равишида олиш ва осиб қўйиш. Шахсий буюмлардан (даструмол, тароқ ва шу кабилардан) фойдаланиш, тартибли сақлаш. Тиш чўткасидан фойдаланишни ўрганиш, қаттиқ нарсаларни тишиламаслик. Ширин

нарсаларни күп емаслик. Иссиқ ва совуқ овқатларни кескин алмаштиришга йўл қўймаслик. Шикастланган тишларни ўз вақтида даволатиш. Тоза, чиройли либослардан қувониш, соchlарни тартибли турмаклаб юриш, ифлос кийимбош, қўллардан, тараалмаган соchlардан нафратланиш ҳиссини туйиш, буларни бартараф этишда катталарга ёрдам сўраб мурожаат қилиш. Ана шундай нохушликлар бартараф этилганидан қувониш. Янги дастрўмодан фойдаланиш ва уни чўнтақда олиб юриш.

## 2. Ташқи муҳит гигиенаси

Бино ва хоналар тозалигининг соғлик учун аҳамияти. Тоза ҳаво ва саломатлик.

Хонага (бинога) киришда оёқни артиш, пойабзални алмаштириш, ерда ётган буюмларни олиб қўйиш, ўйинчоқларни йифишириб жойига қўйиш ва ҳ.к.

## 3. Юқумли касалликлар

Микроблар ва уларнинг тарқалиши ҳақида тушунча: ҳашаротлар (пашиша, сувараклар) ифлослантирган озиқ-овқат маҳсулотлари, алоҳида фойдаланилайдиган ашёлар.

Ҳожатхонага боргандан кейин, овқатланишдан олдин ва уй ҳайвонларини ушлагандан сўнг, албатта қўлни ювиш. Йўталганда ва аксирганда қўл билан оғизни ёпиш ва бурун артиш учун дастрўмол тутиш.

## 4. Экология ва инсон саломатлиги

Яшил дарахт ва ўсимликларнинг инсон соғлиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида тасаввурга эга

Ўсимликларни парвариш қилишнинг энг оддий кўниммалари. Ўсимликларни ўстириш (тайёр яшикка пиёз,

бўлиш. Ҳайвонлар, ўсимликлар, табиат ҳодисалари (кундузи, кечаси, шамол, ёмғир, қор ва ҳоказо) ҳақида маълумотлар. Табиат кўйнида меҳнат қилиш очиқ ҳавода ўтади ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга, уларнинг чидамли бўлишига ёрдам беради.

Ўсимлик ва ҳайвонларга қизиқишни ва авайлаб муносабатда бўлишини тарбиялаш.

дуккакли ўсимлик экиш). Шакли, ранги, катта-кичиликлиги ва таъмига қараб ўзи яшайдиган жой табиатига хос бўлган сабзавот ва меваларни фарқлаш. Ҳайвонлар танасининг қисмларини фарқлаш, уй ҳайвонларини ёввойи ҳайвонлардан фарқлаш. Табиат ҳодисаларини айтиш: табиат объектларини муҳофаза қилиш.

## 5-мавзуу. Овқатланиш гигиенаси

### 1. Овқатнинг аҳамияти ва таркиби

Организмнинг ўсиш ва ривожланишида овқатнинг аҳамияти. Овқатлар таркибига сут, сабзавот, меваларни киритиш зарурлиги. Витаминлар, уларнинг организм учун аҳамияти. Шириналлик, қандолат ва нон маҳсулотларини суистеъмол қилишга йўл кўйиб бўлмаслиги.

Фақат «севимли» овқатни эмас, балки хилма-хил овқатларни истеъмол қилишга эътибор бериш. Кўк пиёз мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш. Шириналларни кўп емаслик, овқатни ортиқча истеъмол қилмаслик.

### 2. Овқатланиш тартиби

Тўғри овқатланиш тартиби. Овқатни ўз вақтида ейиш. Нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат.

Тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш. Кечки овқатни уйқуга кетишдан 1,5 соат олдин истеъмол қилиш. Мустақил равищда овқат ейишга интилишни намойиш этиш, «қошиқда овқатлантириб қўйиш» таклифидан воз кечиш. Қошиқни ўнг қўл билан ушлаган ҳолда, овқатни яхши-

лаб чайнаб ейиш. Мустақил равишида овқатланаётганда, сочиқчадан фойдаланаётганидан қувониш. Чиройли қилиб тузалган стол, мазали овқатларни илғай билиш. Айрим овқатлар (шўрва, палов, димлама)ни ажратишни билиш.

### 3. Овқатланиш қоидаси

Гигиена ва овқатланиш маданияти қоидаларига амал қилиш овқат яхши хазм бўлишининг самарали шартидир. Ошхона ва идиш-тобоқларни тоза тутиш.

Овқатланиш столи атрофика тўғри ўтириш ва ошхона асбобларидан фойдалана билиш. Овқатланиш қоидаларига риоя қилиш: овқатни шошмасдан, яхши чайнаб ейиш, гаплашмаслик, шўрва, чойни тўқмаслик. Овқатланиб бўлгач, «раҳмат» айтиш. Стол устини йигиширишида катталарга ёрдамлашиш. Ўз идишларини ўзи ювишга уриниш.

## 6-мавзу. Маданий-гигиеник кўникмаларни эгаллаш ва ўз-ўзига хизмат қилиш

### 1. Маданий-гигиеник кўникмаларни тарбиялашнинг аҳамияти

Маданий-гигиеник кўникмаларни тарбиялаш.

Шахсий гигиена кўникмаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш: енгни ўзи шимариб, қўл ва юзни ювиш, совундан тўғри фойдаланиш, юз ва қўлларни артиш.

### 2. Хулқ-автор маданияти

Болаларда жамоат ичидаги ўзини тутиш тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш.

Саломлашиш ва хайрлашиш, ёрдам сўраш, миннатдорчilik билдириш. Диққат-эъти-

	бор ва ҳамжиҳатлик, ён бериш, фикрлашиш, ёрдам бериш истагини намоён қилиш. Катталарнинг кўрсатмаларига эътибор билан қараш. Кўчада ва уйда хулқ-автор қоидаларига риоя қилиш.
<b>3. Ўз-ўзига хизмат қилиш</b>	
Ўз-ўзига хизмат қилиш кўникмаларини шакллантириш.	Муайян тартибда ечиниш ва кийиниш, кийимларни яхшилаб тахлаб қўйиш. Кийинишдаги тартибсизликни сезиш ва унга барҳам бериш. Тугмаларни қадаш, пойабзал ипларини боғлай олиш. Ўз буюмларини билиш. Ўйин давомида ювениш, кийиниш, овқатланиш жараёнларини акс эттириш: ўйинчоқларни овқатлантириш, кийинтириш, «чўмилтириш», ўзининг севимли қўғирчоқларини тўғри овқатланиш, ювенишга ўргатиш. Қўғирчоқлар билан ўйинларни намойиш қилиш давомида қўғирчоқ қандай қилиб тўғри кийинишини кўрсата билиш, қуёнчани чўмилтириш учун керак бўлган ҳамма нарсаларни келтириш ва ҳ.к.
Ўйин маҳорати.	Катталар билан биргаликда ўйинчоқларни жойига олиб қўйиш, кийимларни осиб қўйиш, оёқ кийимини жойига тахлаб қўйиш. Катталарнинг кир ювиши, дазмоллаши, кийимларни тозалашини кузатиш, ўйинчоқларни ювиш,
Буюмлар ва ўйинчоқларни сақлаш ва парвариш қилиш.	

	Құғирчоқларни чүмилти-ришда иштирок этиш.
--	---

## 7-мавзу. Шикастланишнинг олдини олиш

Күникмаларни шакллантириш учун зарур маълумотлар.	Болалар әгаллаши зарур бўлган малака, кўникма ва одатлар.
---	---

### 1. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш

Йўл ҳаракати қоидалари, уларга риоя қилишнинг сиҳат-саломатлик учун аҳамияти. Шикастланишнинг олдини олиш.	Йўлкадан келаётганда ва кўчани кесиб ўтаётганда йўл қоидаларига риоя қилиш. Сакрашда, тепаликдан учища юмшоқ тушиш, зинадан астасекин тушиш, бир-бирини итармаслик, чопмаслик.
--	--

### Шикастланишда биринчи ёрдам

Ўткир, қиравчи ва ботувчи буюмлар етказадиган шикастланишлар, ҳашаротлар чақиши, бурундан қон кетиши, куйишлар ва бошқаларда ўзини тутиш қоидалари.	Бу баҳтсиз ҳодисалар ва шикастланиш ҳақида катталарга маълум қилиш.
---	---

## 8-мавзу. Жинсий тарбия

1. Ахлоқ-одобга доир айрим масалалар	
Онаси ва барча аёлларга хурмат билан муносабатда бўлиш. Ота-она, aka-ука, опасингиллар билан яхши муносабатда бўлиш. Ўғил ва қиз болаларнинг дўстлиги тўғрисида.	Оила, рўзгор ишларида қўлдан келганча ёрдам бериш.

## **2. Инсоннинг ривожланиб бориши**

Жинсларни фарқлаш. Ўғил болалар ва қиз болалар ҳақида тушунча.

Бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш, ўзаро ҳурмат.

## **3. Ўзига хос гигиена**

Ўз танасини тоза тутиш.

Тоза чойшаб, кўрпа-тўшакда, шамоллатилган хонада ухлаш, эрталаб бадантарбия ва сув муолажаларини ўтказиш. Чот ораси қичишганда катталарга мурожаат қилиш, жинсий аъзоларни ўйнамаслик, ухлаганда қўлларни кўрпа (адёл) устига чиқариб ётиш. Ичак ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб туриш. Ҳожатхонадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш.

## **4. Заарарли одатлар ва уларни олдини олиш**

Заарарли одатлар ҳақида ту-шунча бериш.

Тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишламаслик, қўлларни, лабни ва бошқа буюмларни сўрмаслик.

**3—5 ёшдаги болалар (дастлабки болаликнииг биринчи ярми)нинг саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича билим, малака ва кўникмалар.**

### **1-мавзу. Жисмоний тарбия ва чиниқтиришнинг соғломлаштирувчи аҳамияти**

Кўникмаларни шаклланти-риш учун зарур бўлган маълумотлар.

Болалар эгаллаши зарур бўлган малака, кўникма ва одатлар.

#### **1. Эрталабки бадантарбия**

Бадантарбиянинг соғликни сақлашдаги аҳамияти. Эрталабки бадантарбия маж-

Хар куни катталар назо-ратида бадантарбия машқ-ларини хонада, дарчаларни

муи тўғрисида тушунча ва мазкур ёш гуруҳи учун машқларни танлаш.

очиб қўйган ҳолда бажариш. Очиқ ҳавода эса спорт кийимида, бош кийимида бажариш. Қўл, оёқ, гавда учун машқларни аниқ ва изчиллик билан бажариш, қоматни тўғри тутиш.

## 2. Чиниктириш

Саломатлик учун чиниктирувчи тадбирларнинг аҳамияти. Баданни ҳўл сочиқ билан артиш, оёқни ювиш, очиқ сув ҳавзаларida чўмилиш қоидалари. Оёққа сув куйиш, артиниш қоидалари.

Ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ҳаркатли ўйинлар ўйнаш. Ўйкуга ётищдан олдин хонани шамоллатиш. Ҳар куни оёқларни ювиш, секин-аста сув ҳароратини пасайтириб бориш.

Хона ҳароратидаги сувда ҳўлланган губка ёки паҳмоқ қўлқоп билан дастлаб қўлларни, кейин оёқларни, кўкракни, қорин ва орқани тескари йўналишда тери қизаргунча артиш. Сув ҳароратини ҳар куни 1 градусдан пасайтириб бориш.

## 3. Қоматни тўғри тутиш

Қоматни тўғри тутишнинг соғлик учун аҳамияти. Қоматнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалліклар (кифоз, лордоз, сколиоз) турлари ва уларнинг олдини олиш.

Машгулотлар вақтида ва меҳнат кўникмаларини эгаллашда гавдани тўғри ҳолатда тутиш.

Қомат ўзгаришининг олдини олишга ёрдам бёрувчи жисмоний машқларни мунтазам равишда бажариш («қайиқча», «мушук», «велосипед», «бешик»).

Стол атрофида ўтирганда, уйку вақтида гавдани тўғри тутиш. Юриш, чопиш вақтида гавдани тўғри тутиш. Қўлни икки ёнда тутиш, бош

	бирмунча күтарилилган ҳолда олдинга қарап.
<b>4. Ҳаракатлантирувчи тартиб</b>	
Куннинг фаол ҳаракатлантирувчи тартибининг асосий таркибий қисмлари. Сайрлар ва уларнинг мазкур ёш гуруҳидаги болалар ҳаракатчанлигининг аҳамияти. Ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти. Мазкур ёш гуруҳидаги болалар учун ҳаракатли ўйинларни танлаш.	Ҳар куни эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, тўп, арқон, бадминтон ўйнаш. Ҳар кунги сайрларда қатнашиш, ўз ташаббуси билан ҳаракатлантирувчи амалларни бажариш. Ҳаракатли ўйинлар ва машқларда фаол қатнашиш. Масъулиятли ролни бажариш, ўйин қоидаларига бўйсуниш, тезкорликни, эпчилликни ривожлантириш. Бир неча ҳаракатли ўйинларнинг мазмуни ва қоидаларини билиш, уларни ташкил эта олиш.
<b>5. Ҳаракатларни ривожлантириш</b>	
Ҳаракат кўникмаларини таомиллаштириш.	Гавдани тўғри тутиб, қўл билан эркин, табиий ҳаракат қилиш, эркин югуриш, бир меъёрда ҳаракат қилиш, сакраш, қўл силташ, тиралиш, гимнастика девори бўйлаб осилиб чиқиш, тўпни қўл бармоқлари билан ушлаш, турли усуслар билан бирор нарса иргитишда бошланғич ҳолатни тўғри олиш. Велосипед ва роликли конькида уча билиш.

## 2-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ажлий меҳнат гигиенаси. Таълим-тарбиянинг руҳий гигиенаси

### 1. Кун тартиби

Кун тартибининг соғлик учун аҳамияти.

Кун тартибига риоя қилиш.

### 2. Ақлий меҳнат гигиенаси

Ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш. Фаолият турларини алмаштириб туриш. Иш ўрнини ташкил этиш қоидалари. Ақлий фаолият оралығидаги танаффусларда бадантарбия дақиқаларини тайинлаш ва уларни бажариш.

Ўз фаолиятини аниқ мақсад билан ташкил этишни билиш, топшириқни қунт билан охиригача бажариш. Иш ўрнини озода сақлаш. Отаноналарнинг кўрсатмаларини диққат билан эшлиш ва шунга мувофиқ ҳаракат қилиш. Қийинчиликларини енга билиш. Бадантарбия дақиқаларини ўтказиш. 2—3 мажмуйй бадантарбия дақиқалари мазмунини билиш.

### 3. Оқилона дам олиш

Фаол дам олиш (сайр қилиш, кўнгил очиш, байрамлар) нинг турлари.

Дам олиш кунлари тўғри хордик чиқариш. Биргаликда ўтказилаётган машқлар, ўйинлар, доира бўйлаб қўшиқ айтишга, байрамлар ва дам олиш вақтидаги кўнгилочар ўйинларга мустақил қўшила билиш. Ўз имкониятларини ҳаракатларда ифодалай олиш.

### 4. Уйқу гигиенаси

Уйқуга нисбатан қўйиладиган гигиеник талаблар, ухлаш олдидан ўтказиладиган гигиеник тадбирлар.

Айнан бир вақтда ухлашга ётиш. Ухлаш олдидан хонани шамоллатиш. Ювениш, оёқни ювиш, тишни тозалаш.

### 3-мавзу. Мәҳнат тарбияси гигиенаси

#### 1. Ташқи мұхитнинг ташкил этилиши

Мәһнат топшириқларини бажариш ва ўзига ўзи хизмат күрсатиша гигиеник талабларга риоя қилиш.

Навбатчилик вазифаларини бажара олиш. Бошлаган ишни охирига етказиши, бир-бирига ёрдам берип, ахиллик билан ҳаракат қилиш. Иродани ишга сола билиш. Жамоа топшириқларини бажара олиш.

#### 2. Мәһнатни ташкил этиши ва шикастланишининг олдини олиш

Маиший-хұжалик мәһнати. Табиат қўйнидаги мәһнат.

Курилиш материаллари ўйинчокларини мустақил жойига қўйиш, уларни ва қўғирчоқ кийимларини юва билиш, китобларни ёпиштириш ва чангини арта билиш. Ошхонада навбатчилик қилиш вазифасини бажара олиш, идиштетовоқларни жойига қўйиш, асбобларни ўз ўрнига тахлаш. Машғулотларда навбатчилик қила олиш, материаллар, қўлланмаларни жойига қўйиш, машғулотлардан кейин уларни йиғишириб қўйиш. Майдонни ахлат ва қордан тозалаш. Табиат бурчагидаги жониворларни парвариш қила билиш, ўсимликларга сув күйиш, донхўракларнинг сувдонини ювиш, дон ва сув солиш, аквариумдаги сувни алмаштириш, пиёз ва бошқа илдизмевали сабзватларни экиш, парвариш қилиш, мәһнат фао-

	лиятида ишлатиладиган асбобларни тозалаб, тартибга келтириб қўйиш.
<b>3. Ўзига ўзи хизмат қилиш</b>	
Муайян тартибда кийиниши билиш.	Устки кийимларни, пойабзални белгиланган тартибда ва мустақил кийиш, уларни еча билиш. Ечилган кийимларни пухталик билан жойига қўйиш ва осиш, уларни тартибга келтира билиш.

#### **4-мавзу. Умумий ва шахсий гигиена**

	<b>1. Шахсий гигиена</b>
Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишнинг саломатлик учун аҳамияти. Ташқи аъзоларни парвариш қилиб юриш. Тартибни сақлаб туриш. Тишни парвариш қилиш қоидалари.	Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва бирор ишни бажаргандан сўнг қўлни ювиш. Тартиб билан, гаплашмасдан овқат ейиш, овқатлангандан кейин тишларни тозалаш. Тишни тўғри тозалай билиш. Овқатдан кейин оғизни чайкаш. Қатиқ нарсаларни тишида чақмаслик, касалланган тишни ўз вақтида даволаш.
<b>2. Ташқи муҳит гигиенаси</b>	
Хоналарни озода сақлашнинг саломатлик учун аҳамияти.	Хонага киришда оёқни артиш, ўйинчоқларни артиш, уларни ўз жойига қўйиш. Токчалардаги, мебеллардаги чангни нам латта билан арта билиш.

### 3. Юқумли касалликлар

Микролар ва уларнинг тарқалиши ҳақида тушунча.

Овқатланишдан олдин ва ундан сўнг, ҳожатхонага киргандан кейин қўлни совун билан тозалаб ювиш. Тирноқларни тозалаб ювиш. Дайди ҳайвонлар билан ўйнамаслик. Уй ҳайвонлари билан ўйнагандан кейин қўлни тозалаб ювиш. Йўталганда ва аксирганда оғизни дастрўмол билан бекитиш.

### 4. Экология ва инсон саломатлиги

Яшил дараҳтларнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

Ўсимликлар ва жониворларни парвариш қилишни билиш. Болалар боғчасининг табиат бурчаги ва ҳудудидаги ўсимликларни билиш ҳамда уларни фарқлаш. Табиатни муҳофаза қилиш.

### 5- мавзуу. Овқатланиш гигиенаси

#### 1. Овқатнинг аҳамияти ва таркиби

Организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун овқатнинг аҳамияти.

Хилма-хил овқатларни истеъмол қилиш. Қишки вақтда кўқатлар ва пиёз ўстириш. Шириналликларни кўп емаслик. Кўпроқ мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш.

#### 2. Овқатланиш тартиби

Тўғри овқатланиш тартиби.

Тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш. Ухлаш олдидан овқат емаслик.

### 3. Овқат ейиш қоидалари

Гигиена қоидаларига амал қилиш. Стол атрофида ўтириш қоидалари. Идиш-товоқларни тоза сақлаш.

Стол атрофида ўзини түгри тута билиш, овқатланиш жиҳозлари — қошиқ, санчқи, салфеткадан түгри фойдалана билиш. Овоз чиқармасдан тартибли овқат ейиш. Овқатланиб бўлгандан сўнг қошиқ ва санчқини тақсимча устига қўйиш. Стол атрофида ўтирганда қоматни тўғри тутиш. Овқатни тўла чайнаб, ютиб бўлмагунча гаплашмаслик, нонни бурдаламаслик. Овқатни оз-оздан олиш, оғизда яхшилаб чайнаш, салфеткадан унумли фойдаланиш. Стол устини йигиштириб қўйиш ва идиштовоқларни ювиш.

## 6- мавзу. Маданий-гигиеник кўникмалар ва ўз-ўзига хизмат қилишни тарбиялаш

### 1. Маданий-гигиеник кўникмаларни тарбиялашнинг аҳамияти

Маданий-гигиеник кўникмалар.

Шахсий гигиена кўникмаларини мустаҳкамлаш, ташқи аъзолар тозалигини кузатиб бориш, тишларни түгри тозалаш. Баданни тоза сақлашга риоя қилиш. Кийим-бош ва таранишдаги тартибсизликка барҳам бериш. Тартибли ва саранжом-саришта бўлиш. Дастрўмоддан фойдаланиш. Овқатдан сўнг оғизни чайиш.

## 2. Хулқ-атвор маданияти

Болаларнинг катталар ва тенгдошларига мурожаат қилиш кўнималарини такомиллаштириш.

Катталар ва тенгдошлари билан хушмуомалада бўлиш. Катталарнинг гапига аралашмаслик, сўзловчининг гапини бўлмаслик. Стол атрофига хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш. Овқатланиш асбобларидан, салфеткадан тўгри фойдаланиш.

## 3. Ўз-ўзига хизмат қилиш

Ўз-ўзига хизмат қилишдаги мустақилликни ривожлантириб бориш. Буюмлар ва ўйинчоқларни яхши сақлаш.

Мустақил, тартибли бўлиш истагини намоён қилиш. Кийимларни тартиб билан тахлаб қўйиш ва осиш, уларни тартибга келтириш. Тугмаларни қадаш, пойабзал ипларини боғлаш. Ўйинчоқларга авайлаб-асраб муносабатда бўлиш, улардан ўз ўрнида фойдаланиш. Ўйинчоқларни парвариш қилишда иштирок этиш, онасига майда кирларни ювиш, рўмолчаларни чайиш ва бошқаларда ёрдам бериш. Супуриб-сириб, озода қилинган хоналарни, дазмолланган кийимларни илгай олиш.

## 7- мавзу. Шикастланишнинг олдини олиш

### 1. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш

Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишнинг саломатликни сақлашдаги аҳамияти.

Кўчадан ўтиш қоидаларини билиш. Фақат кўк чироқ ёнгандан ўтиш. Йўлкадан юриш, кўчадан ўтишда йўлаклардан

Жамоат транспортидан фойдаланиш қоидалари.	Үтиш қоидаларига риоя қилиш. Башқарувчининг ҳаракатларини тушуниб олиш, транспортдан тушишда ва чиқишида эҳтиёт бўлиш. Ота-оналари билан бир йўналишда ҳаракат қилиш.
<b>2. Маишӣ шикастланишларнинг олдини олиш</b>	
Юқоридан йиқилганда шикастланиш. Ўтқир қирувчи ва ботувчи буюмлардан шикастланишлар, уларнинг олдини олиш. Ҳаракатли ўйинлар ўйнаш вақтида хулқ-атвор қоидалари. Очик сув ҳавзаларида чўмилишда хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш.	Зиналардан тушиш ва чиқишида панжарани ушлаш, юқоридан сакрамаслик, арғимчоқларда ҳаддан зиёд тез учмаслик, қайчининг тўмтоқ томонидан ушлаб узатиш, пичоқнинг тифини тескари ушлаб кеса билиш, ўтқир предметлар билан ўйнамаслик. Юриш, югуришда бир-бирига туртиниб кетмаслик. Ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда фазода мўлжал олиш. Муайян жойгача, муайян йўналишда ҳаракат қилишда бошқаларга халақит бермаслик. Чуқур ариқда чўмилмаслик, сувнинг кўкракдан чуқурроқ жойига кетиб қолмаслик, бир-бирини суга «ботириш»га интилмаслик, шўнғимаслик.
<b>3. Шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш</b>	
Бирон-бир жой кесилганда, шилинганда, тилинганда, ҳашаротлар чаққанда, куйганда, бурун қонаганда ва шу кабиларда ўзини тутиш қоидалари.	Барча баҳтсиз ҳодисалар ва шикастланишлар ҳақида катталарга маълум қилиш.

## 8- мавзу. Жинсий тарбия

### 1. Ахлоқ-одобга доир айрим масалалар

Барча аёлларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш. Қиз болалар ва ўғил болаларнинг дўстлиги тўғрисида.

Онага қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш. Уларга оиласдаги рўзгор ишларида қўлдан келганча ёрдам бериш. Уйку вақтида қўлларни кўрпанинг устига чиқариб ётиш.

### 2. Инсоннинг ривожланиб бориши

Ўсиш, куч, тезлик, чаққонлик ва мардлик тўғрисида тушунча.

### 3. Ўзига хос гигиена

Ўз баданини тоза сақлаш.

Чойшабларни тез-тез алмаштириб туриш. Тоза чойшаб, кўрпа-тўшакда, шамоллатилган хонада ухлаш. Уйкудан турганда юваниш. Тишни тозалаш. Уйқуга ётишдан олдин оёқни ювиш, ҳожатхонадан батартиб фойдаланиш. Бурунни тоза сақлаш.

### 4. Заарарли одатлар ва уларнинг олдини олиш

Ҳар хил нарсаларни оғизга солмаслик. Тирноқ, қалам ва бошқа нарсаларни тишли маслик. Тоза дастрўмолчадан фойдаланиш.

—7 ёшдаги болалар (дастлабки болаликнинг иккинчи ярми)  
соғлигини муҳофаза қилиш бўйича билим,  
малака ва кўнигмалар

## 1- мавзу. Жисмоний тарбиянинг соғломлаштирувчи аҳамияти ва чиниқтириш

Кўнигмаларни шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар	Мактабгача ёшдаги болалар эгаллаши зарур бўлган малака, кўнигма ва одатлар.
<h3>1. Эрталабки гигиеник бадантарбия машқлари</h3>	
Эрталабки бадантарбия ва сув муолажаларининг соғлики мустаҳкамлаш учун, кучлилик, чидамлилик, тезкорлик, иродалилик тетиклик ва яхши кайфият учун аҳамияти. Бадантарбия машқларини бажариш учун зарур шарт-шароитлар тўғрисида маълумотлар. Эрталабки бадантарбия машқларининг мажмуи тўғрисида тушунча ва мазкур ёш гуруҳи учун машқларни танлаш.	Ҳар куни катталар назоратида эрталабки бадантарбия машқларини бажариш. Бадантарбия машқларини очиқ ҳавода гиламча устида, енгил кийимда предметлар билан ва уларсиз бажариш, машқларни сув муолажалари билан тугаллаш. Муайян изчилийда, аниқ, шиддат билан мускулларни таранг ҳолга келтириш, машқларни, қоматни тўғри тутган ҳолда бажариш.
<h3>2. Чиниқтириш</h3>	
Чиниқтириш тўғрисида тушунча. Чиниқтиришнинг табиий омиллари: қуёш, ҳаво, сув. Ҳаво билан чиниқтиришнинг асосий турлари: енгил кийимларда, очиқ ҳавода эрталабки бадантарбия машқларини бажариш, спорт ўйинлари, сайрлар, кўн-	Хонада енгил кийимда бўлиш, форточкини очиб қўйиш. Эрталабки бадантарбия машқларини ҳар куни, ҳар қандай ҳавода бажариш. Кийим ва пойабзални мавсумга ва машқ турига мувофиқ танлаш. Юз, бўйинни, қўлни тирсақкача совуқ

гилочар ўйинларни ўтказиши. Танани чиниқтиришнинг шамоллашни олдини олишдаги аҳамияти. Сувнинг чиниқтирувчи аҳамияти. Сув муолажалари: ювиниш, артиниш, оёқни ювиш, белгача ювиш, душ қабул қилиш, очиқ сув ҳавзасида чўмилиш. Баданни ҳўл сочиқ билан артишнинг чиниқтирувчи аҳамияти ва уни ўтказиши тартиби. Сув ҳавзаларида чўмилишнинг асосий қоидалари. Қуёшнинг чиниқтирувчи таъсири, күёш ванналаридан фойдаланиш қоидалари. Ялангоёқ юришнинг чиниқтирувчи аҳамияти. Чиниқтиришнинг асосий тамойиллари: мунтазамлик, изчиллик, боланинг соғлиги ва жисмоний ривожланиш дарражасини ҳисобга олиш.

сув билан ювиш. Бадантарбиядан сўнг дарҳол губка ёки уй ҳароратидаги сувда ҳўлланган кичикроқ пахмоқ сочиқ билан тана аъзолари ни артиш: аввал қўлларни, кейин эса қўкрак ва орқани, ундан кейин баданни қурук сочиқ билан тана қизаргунча, тезда қурук қилиб артиш. Фақат катталарнинг рухсати билан чўмилиш, катталарнинг назорати остида чўмилишнинг асосий қоидаларига риоя қилиш. Ялангоёқ юрганда оёқни шикастлантириш ҳавфи йўқ жойларда юриш. Чиниқтириш қоидаларини онгли равища бажариш.

### 3. Қоматни тўғри тутиш қўникмасини тарбиялаш

Қад-қомат ҳақида тушунча ва таъриф. Юрак, ўпканинг меъёрида ишлаши, бутун аъзоларнинг ўйғун ривожланиши учун тўғри қоматнинг аҳамияти. Скелетнинг тузилиши (умуртқа, қўкрак қафаси, суюклар, бош суюги, қўл ва оёқ суюклари). Эрталабки бадан-тарбия машқлари, спорт ўйинлари, меҳнатнинг тўғри қоматни шакллантириш учун таъсири. Юриш машқлари вақтида

Эрталабки бадантарбия машқларини мунтазам равища бажариб туриш. Бадантарбия машқлари таркибига тўғри қоматни шакллантирадиган, ясситовонликнинг олдини оладиган машқларни киритиш (катталар билан биргаликда). Тўғри қоматни мустақил назорат қилиб бориш қоидаларига риоя қилиш: орқа билан деворга суюниб, тик туриш, деворга елкани

Данда ҳолатини назорат қилиб бориш. Скелетни түғри ҳолатда ушлаб туришга ёрдам берадиган машқларни бажариш, мушакларни мустаҳкамлаш, сүяқ мушак, асаб ва бошқа тизимларни машқ қилдириш ва ривожлантиришида бадантарбия ҳамда спорт машқлари ва жисмоний меҳнатнинг аҳамияти. Машғулотлар вақтида гавдани түғри тутиш ва ишчанлик ҳолати.

теккизип туриш, юришда ана шундай ҳолатни сақлаш.

#### 4. Ҳаракат тартиби

Ҳаракат тартиби түғрисида тушунча. Уйдаги ҳаракат тартибининг асосий таркибий қисмлари, машғулотга қадар бадантарбия машқлари, жисмоний тарбия дақиқалари. Машғулотларда ва сайдлар вақтида, очиқ ҳавода овқатдан кейин, дам олиш пайтида ҳордиқ чиқариш, жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш, ухлаш олдидан сайд қилиш. Бадантарбия машқларини бажаришга қўйиладиган гигиеник талаблар.

Сайд қилиш ва унинг аҳамияти. Сайд вақтида кийимнинг об-ҳавога ва машғулот турига мувофиқ бўлиши. Бадантарбия дақиқаларига қўйиладиган талаблар.

Ҳаракатли халқ ўйинлари-

Узоқ давом этадиган сайдлар ва экспурсияларда иштирок этиш. Бадантарбия дақиқаларини бажариш.

Ҳаракатли ўйинларда фаол қатнашиш. Машғулотлардан ташқари ҳаракатли ўйинлар ўйнаш.

нинг очиқ ҳавода ўткази-  
ладиган бадантарбия ўйин-  
ларининг ҳаракат фаолли-  
гини ошириш учун аҳамияти.  
Машғулотлардан ташқари  
юриш-туриш қоидалари. Ба-  
дантарбия ва жисмоний тар-  
бия машқларини бажариш-  
нинг гигиеник талаблари.  
Сайр қилиш ва уларнинг аҳа-  
мияти. Машғулотлар табиа-  
тига мос келадиган кийимлар,  
сайр қилишда кийиладиган  
кийимлар. Физкультдақиқа ва  
унинг аҳамияти. Физкульт-  
дақиқага бўлган талаблар.  
Халқона ҳаракатли, очиқ ҳа-  
вода бажариладиган жис-  
моний тарбия ўйинларининг  
ҳаракатли фаолликни оши-  
ришдаги аҳамияти.  
Мактабгача ёшдаги болалар-  
нинг ҳаракат фаоллигини  
oshiриш. Жисмоний меҳнат-  
нинг мушакларни ривожлан-  
тириш, юрак, ўпка, асаб ти-  
зими ва бошқа аъзоларни  
мустаҳкамлаш учун аҳамияти.

## 2- мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий меҳнат гигиенаси. Таълим ва тарбия руҳий гигиенаси

### 1. Кун тартиби

Кун тартибига амал қилиш-  
нинг саломатликка, уни ҳар  
томонлама ривожланти-  
ришдаги роли ва оиласда,  
мактабгача тарбия муассса-  
саларида таълим ва тарбия  
ишларини муваффақиятли

Гигиеник жиҳатдан асос-  
ланган кун тартибига риоя  
қилиш.

Олиб боришдаги аҳамияти. Ухлаш, машғулотлар, ўйинлар, соғломлаштирувчи жисмоний машқларнинг вақтни тўғри тақсимлаш, топшириқларни тез бажариш, тўлақонли дам олишга ёрдам бериши, ишчанлик қобилиятини зарур даражада бўлишини таъминлашдаги аҳамияти.

## 2. МТМдаги машғулотлар гигиенаси

Ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш: фаолиятнинг турлари, ақлий ва жисмоний фаолиятни навбатлаштириб туриш; гигиеник талабларга жавоб берадиган, ўз вақтида, тўлақонли дам олиш. Хоналарни, иш жойини тоза тутиш, тез-тез шамоллатиб туриш.

Машғулотларни кун тартибига мувофиқ ўтказиш. Иш ўрнини ташкил этишнинг асосий қоидалари (боланинг бўйига тўғри келадиган мебель танлаш, уни ёруғлик манбаига яқин жойлаштириш, стол усти тартибли бўлиши, тўғри ўтириш).

Хоналарни тоза сақлаш, уларни шамоллатиш, иш столида тартибга риоя қилиш, диққат-эътиборли ва саранжом-саришта бўлиш. Осоишта, сабр-тоқатли бўлиш.

Машғулотларга кун тартибига белгиланган вақтда киришиш. Иш ўрнини тўғри ташкил этиш, ёруғликнинг ўнг томондан тушиши, стол ва стулларнинг тўғри жойлашуви, тартибга риоя қилиниши.

## 3. Оқилона дам олиш

Фаол дам олиш турлари (ҳаракатли ўйинлар, сайрлар).

Дам олиш кунлари тўғри ҳордиқ чиқариш.

#### 4. Ухлаш гигиенаси

Үйқу дам олишнинг тўлақонли тури. Үйқуга қўйиладиган гигиеник талаблар, ухлаш олдидан ўтказида-диган гигиеник тадбирлар.

Айнан бир вақтда ухлашга ётиш, ухлаш олдидан юви-ниш, алоҳида ўринда ухлаш.

#### 3- мавзу. Меҳнат тарбияси гигиенаси

##### 1. Ташқи муҳитни ташкил этиш

Меҳнат фаолияти ўтадиган хоналарга қўйиладиган гигиена талаблари. Оқилона ва болалар учун қулай бўлган меҳнат фаолиятини ўрганиш. Иш хонасини тартибли сақлаш ва асбобларни (қайчи, елим, игна, бигиз, чизгич, чўтка), сақлаш қоидалари. Асбобларни танлаш ва сақлаш қоидалари, қофоз, картон, газмол билан ишлашда иш ўрнини ташкил этиш. Меҳнат қуролларини тўғри жойлаштириш. Иш ўрнини тўғри ёритилишига риоя қилиш. Мустақил фаолият учун ажратилган соатларда қўл меҳнатини ташкил этишда пичоқ, қайчи, болга, игна, тўнағичдан фойдаланиш қоидалари. Maiший хўжалик меҳнати. Табиат қўйнидаги меҳнат. Бутун йил давомида участ-

Ошхонадаги навбатчиликларга, табиат бурчагидаги машғулотларга ҳозирлик кўришда иштирок этиш, топшириқларни бажариш, ўз гуруҳидаги меҳнатда иштирок этиш ва тарбиячи, ота-оналар раҳбарлигида алоҳида топшириқларни бажариш. Асбобларни аниқ бир жойда сақлаш. Оилада, боғча майдонида ва гуруҳ хонасида ишлаш учун асбобларни танлай олиш.

Машғулотлар жараёнида меҳнат қуролларини аниқ бир жойга қўйиш. Гавдани зарур ҳолатда тутиш ва иш ўрнининг ёритилиши (тарбиячи назорати остида).

Қофоз ва картон фактурасини, сифатини аниқлай билиш, игнага ип тақа билиш, тугунча қилиш, тугма, илгак тикиш. Тикиш вақтида, қофоз

када ва жонли бурчакда меҳнатни ташкил қилиш. Белкурак, кетмон, хаскашдан фойдаланиш қоидалари. Ўз вақтида дам олиш, бадантарбия дақиқалари.

ва картондан буюмлар ясаш чогида асбоблардан фойдаланганда эҳтиёткор бўлиш қоидаларига риоя қилиш. Бигиз, қўлларра, ёйсимон арра, болгача, омбурдан фойдалана билиш. Оилада, болалар боғчасидаги хоналар ва майдончада тозаликни сақлай билиш. Идиш-товоқ, асбоблар, нон идишни мустақил равишда жойига кўя олиш. Столни нонуштага, тушликка, иккинчи тушликка тайёрлай олиш. Ўйинчоқларни юва билиш, стол-стулларни, дераза токчасини артиб кўйиш, кўғирчоқнинг кўйлагини ювиш ва дазмоллай билиш. Гуруҳ хонасида, ечиниш ва ювиниш хоналарида тозалик ва тартибни сақлаш. Кумли майдонни тартибга келтириш, қорни тозалаш. Ўсимликлар ва жониворларнинг ўсишини кузатиш кўниумасини эгаллаш.

Ер чопишини, дон ва гул ўсимликларини экишни, илдизмевалар, гулларни сугориш ва ўтоқ қилишни, тагини юмшатишни билиш.

Ипак курти, уй паррандалари ва ҳайвонларни парвариш қилишни билиш. Эҳтиёт чораларини кўриш, қўл шилинган, тирналган, кесиб олинган ва яра бўлган кезларда қишлоқ хўжалик ишларини бажармаслик.

## 4- мавзу. Умумий ва шахсий гигиена

### 1. Шахсий гигиена

Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишнинг соғлик учун аҳамияти. Маданий-гигиеник малака ва маданий хулқ-атвор кўнукмаларини тарбиялаш.

Тишни парвариш қилиш қоидалари.

Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин ва бирор иш қилгандан сўнг қўлларни ювиш. Санчқи, қошиқ, пичоқдан фойдалана билиш. Тартибли овқат ейиш, сочиқдан фойдаланиш. Овқат пайтида қоматни тўғри тутиш. Фақат индивидуал (ўзининг) тароқдан фойдаланган ҳолда тараниб юришни билиш. Уйқудан олдин ва кейин тишни мустақил равиша тозалаш. Овқатдан кейин оғиз ва томоқни чайиш. Қаттиқ жисмларни тишламаслик.

### 2. Ташқи муҳит гигиенаси

Хоналарни тоза сақлашнинг соғлик учун аҳамияти.

Гуруҳда, иш ўрнида, майдончада, ҳовлида тартибни сақлай билиш. Чангни ҳўл сочиқ билан артиш, ҳовлини супуриш.

### 3. Юқумли касалликлар

Микроблар ва уларнинг тарқалиши ҳақида тушунча.

Бирор иш қилгандан кейин ва ҳожатхонага боргандан сўнг қўлларни тозалаб ювиш. Йўталгандা ва акса урганда оғиз ва бурунни дастрўмол билан беркитиш. Бемор ўргини касалланган дастлабки кунларида бориб кўрмаслик.

	Фақат илиқ сувда ювилган мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш.
--	--

#### 4. Экология ва инсон саломатлиги

Ўсимликларнинг инсон соғлиги учун аҳамияти. Ўсимликлар ва жониворларга нисбатан фаол инсоний муносабатни тарбиялаш.	Ўсимликлар ва жониворларни парвариш қила билиш. Табиат бурчагидаги жониворларни тоза саклаш. Табиий обьектларни муҳофаза қилиш.
--	---

### 5- мавзу. Овқатланиш гигиенаси

<b>1. Овқатланиш гигиенаси.</b> <b>Овқатнинг аҳамияти ва таркиби</b>	
Овқатнинг организм ўсиши ва ривожланиши учун аҳамияти.	Овқатланиш тартибига риоя қилиш. Хилма-хил таомларни истеъмол қилиш.
<b>2. Овқатланиш тартиби</b>	
Тўғри овқатланиш тартиби.	Тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш, ётиш олдидан овқат емаслик.
<b>3. Овқатланиш тартиб-қоидалари</b>	
Стол атрофидаги гигиена ва хулқ-атвор маданияти қоидаларига амал қилиш. Идиш-товоқларни тоза тутиш.	Ошхона жиҳозлари, сочиқдан тўғри фойдалана олиш, тартибли овқатланиш, овқат вактида гавдани тўғри тутиш. Идиш-товоқни стoldан йиғишириб олиш ва ювуб қўйиш.

## **6- мавзу. Маданий-гигиеник құникмалар ва ўз-ўзига хизмат қилишни тарбиялаш**

### **1. Маданий-гигиеник құникмаларни тарбиялашнинг аҳамияти**

Маданий-гигиеник құникмалар. Ювинишдаги ҳаралаттар изчиллиги.

Мустақил равишида ювиниш, құлларнинг тозалигига риоидай қилиш. Кичкин тойларга қандай қилиб юз-құлларни түғри ювишни күрсатып бериш. Тишлиарни түғри тозалаб, тараниш, дастрұмoldан фойдаланыш. Овқатдан сұнг оғизни чайиш.

### **2. Хулқ-атвор маданияти**

Хулқ-атвор маданиятини шаклантириш. Болаларнинг катталар ва тенгқурлари билан муюмала қила олиш маданиятини такомиллаштириш.

Катталарга ғамхүрлик қилиш, заифларни ҳимоя қилиш ва уларға ёрдам бериш. Тенгдошларининг хатти-харакатларига түғри баҳо бера билиш. Жамоат жойларидә хулқ-атвор қоидаларига риоидай қилиш. Яхшилик ва ёмонлик ҳақидағы тасаввурларни ривожлантириш. Катталарнинг гапини бұлмаслик, сұхбатига аралашмаслик. Стол атрофика хулқ-атвор маданиятига, овқат ейиш қоидаларига риоидай қилиш.

### **3. Ўз-ўзига хизмат қилиш**

Ўз-ўзига хизмат қилишдаги мустақилликни такомиллаштириш.

Мустақилликни намоён қила билиш. Батартиблиқ, ҳамиша чиройли күриништегі эга бўлиш иштиёқи. Кийимларни тартибли равишида ечиб, уларни жойига осиб қўйиш.

Ўнг ва чап оёқ пойабзалларини фарқлай билиш, уларни тўғри кийиш. Кўзгуга қараб кийимларидағи камчиликларни бартараф этиш, дастрўмоддан тўғри фойдалана олиш, Хонада тартиб ва озодаликни сақлаш, кийимларни тоза ва тартибли кийиш. Тенгдошларининг кийимларидағи тартибсизликларга эътибор бериш. Ўзининг ташқи кўринишидаги тартибсизликларга барҳам бериш. Озодалик ва тартибга одатланишни тарбиялаш. Шахсий буюмларини ювишни ва тугма қадашни билиш, ўйнаб бўлгандан сўнг ўйинчоқларни жойига олиб қўйиш, уларни эҳтиётлаш ва тоза сақлаш.

## 7- мавзу. Шикастланишнинг олдини олиш

### 1. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш

Йўл ҳаракати қоидалари, уларнинг саломатликни сақлашдаги аҳамияти.

Йўлакдан ва кўчадан ўтадиганда (катталар билан биргаликда) эҳтиёткорликка риоя қилиш. Кўчанинг одам ва машиналар ўтадиган жойида ўйнамаслик, велосипедда учмаслик, йўлак ўртасида туриб гаплашмаслик. Транспортдан тушишда эҳтиёт бўлиш, трамвайнинг олдидан, автобус ва троллейбуснинг орқасидан ўтиш.

## 2. Майший шикастланишнинг олдини олиш

Баланддан йиқилганда шикастланиш. Ўткир, қирқувчи ва ботувчи нарсалардан шикастланиш. Шикастланишларнинг олдини олиш. Ҳаракатли ўйинлар вақтидаги хулқ-атвор қоидалари.

Сув ҳавзаларида чўмилиш вақтидаги хулқ-атвор қоидалари.

Дараҳтларга чиқмаслик. Зина-нинг панжарасини ушлаб тушиш. Қайчидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш. Юриш, чопиш вақтида енгил ҳаракат қилишни ривожлантириш, энг оддий хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш. Ҳаракатни мувофиқлаштириш, фазода мўлжал олиш (бошқаларга халақит бермаслик, маълум бир йўналишда муайян жойгача юриб бориш). Ҳаракатлардаги чақонлик (тўпни думалатиш, кегларни уриб тушириш)ни ривожлантириш, хавфсизликнинг оддий қоидаларига амал қилиш. Нотаниш жойда чўмилмаслик, сув кўкракдан келадиган жойдан нарига кетмаслик, шўнгимаслик.

## 3. Шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш

Бирор жойи кесилганда, тирналганда, шилинганда, ҳашоратлар чақанда, бурун қонаганда, куйганда ўзини тутиш қоидалари.

Рўй берган барча баҳтсиз ҳодисалар, шикастланишлар ҳақида катталарга хабар бериш.

## 8- мавзу. Жинсий тарбия

Кўникумаларни шакллантириш учун зарур маълумотлар.

Мактабгача ёшдаги болалар эгаллаши зарур бўлган кўникумка, малака ва одатлар.

## **1. Ахлоқ-одобга доир айрим масалалар**

Онасига, тарбиячисига, катталарга хурмат билан муносабатда бўлиш. Оиладаги аҳиллик. Ўғил болалар ва қиз болаларнинг дўстлиги тўғрисида.	Оиласда, уй-рўзгор ишларида кўлдан келганча ёрдам бериш. Транспортда катталарга жой бериш. Сайрга ҳозирлик кўришда, оғир юкларни кўтаришда қизларга ёрдамлашиш, жой бериш.
---	--

## **2. Инсоннинг ривожланиши**

Сакровчанлик ҳақида тушунча.

## **3. Ўзига хос (специфик) гигиена.**

Ўз баданини покиза тутиш.

Шамоллатилган хонада тоза ўрин-кўрпода ухлаш. Эрталаб бадантарбия машқларини бажариш, сув муолажалари билан шугулланиш, чов оралиғида қичишишлар пайдо бўлиб қолса, катталарга мурожаат қилиш. Уйқу чоғида кўлларни кўрпа устига чиқариб ётиш. Ичакларни ва қовуқни ўз вақтида бўшатиб, ҳожатхонадан батартиб равишда фойдаланиш.

## **4. Зарарли одатлар ва уларнинг олдини олиш**

Тирноқларни тишламаслик, қалам ва бошқа буюмларни оғизга солмаслик. Бармоқлар, тил, соchlарни сўрмаслик.

Юқорида баён қилинганлар билан бир қаторда, ота-оналар фарзанди ўтган йил давомида неча марта касалланганига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари муҳимдир. Агар у йил давомида

З маротаба касалланган бўлса, бу ҳолда унинг резистентлиги аъзолар (организм)нинг юқумли касалликларга барқарорлиги меъёрида ҳисобланади. Агар у йил давомида 4 дан 6 марта гача хасталанган бўлса, унинг резистентлиги пасайиб кетган, тез-тез касалланиб турадиган боладир.

Бу каби тез-тез хасталаниб турадиган болалар маҳсус соғломлаштиришга муҳтоҷ бўлади ва уларга қўшимча юкламалар тавсия этилмайди.

Уйда боланинг хулқ-атвори ва кайфиятини диққат билан кузатиб бориш. Боланинг асабийлашиши, тез-тез йиғлаши, инжиқлиги, унда ижобий ҳис-туйғуларнинг камлиги, алоқага киришишининг қийин кечиши, била аъзолари билан зиддиятга бориши, шуғулланишни истамаслиги, ҳаракатли фаолликнинг пасайиб кетгани иштаҳа ва уйқусининг бузилишидан экан-лигини илғаб олишинизга имкон беради.

Бундай ҳолат, айниқса, 4 – 5 ёшдаги болаларда кўп учрайди. Бундай вазиятларда мутахассисга учрашиб, маслаҳатлашиш лозим бўлади.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ота-оналар, педагоглар, врачлар ва болалар руҳшунос тавсияларига амал қилиб борсалар (Т.Н.Доронова, Л.Г.Голубева, В.Г. Недоспасов ва бошқалар, 1999) фойдадан холи бўлмайди. Куйида биз уларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

### **I. Оилада гигиена қоидаларига амал қилиш ва болаларда соғлом турмуш тарзи олиб бориш одатини шакллантириш:**

— доимий равища қулай гигиеник вазиятни яратиш (хоналарни ўз вақтида шамоллатиб туриш, уйдаги ҳароратни 18–20 даражада атрофида ушлаб туриш);

— хонада ва ётоқхонада максимал даражадаги ёруғликни таъминлаш;

— боланинг дарс ва иш столини чироқ чап томонидан тушиб туришини ҳисобга олиб, жиҳозлаб бериш;

— деразаларни қалин пардалар билан тўсмасдан, қуввати 50 ватт бўлган лампочкали стол лампасидан фойдаланиш;

— барча гигиеник тадбирларни бола мустақил равишида бажаришига эрйишишдан;

а) овқатланишдан олдин, ҳожатхонадан чиққандан сўнг ва сайдан кейин қўлларни ювиш;

б) овқатланиб бўлгач оғизни чайиш ва эрталаб ҳамда уйқуга ётишдан олдин тишларни тозалаб ювиш;

- в) чүнтакда дастрўмол олиб юриш, йўталганда ва аксир-  
ганда оғиз билан бурунни беркитиш;
- боланинг стол атрофида ўзини тутишига алоҳида  
эътибор қаратиш:
- а) буқчаймасдан, тўғри ўтириш;
  - б) барча анжомлар (санчқи, қошиқ, пичоқдан) фойдалана  
билиш;
  - в) таомни оз-оздан қошиқ ёки санчқи билан олиш;
  - г) овоз чиқармай овқатланиш;
  - д) заруриятга қараб сочиқчадан фойдаланиш;
  - е) овқатни еб бўлгандан кейингина столдан туриш, стулни  
аста жойига суреб, катталарга миннатдорчилик билдириб  
қўйишни одат қилиш;
- болаларда ўз-ўзига хизмат қилиш кўниумасини мустаҳ-  
камлаш:
- а) оёқларни яхшилаб ювиш ва тозалаб артиш;
  - б) устки кийимларини ечганидан сўнг, уларни кийим  
илгичга ёки жовонга осиб қўйиш;
  - в) ўз кийим-бошларини батартиб қилиб тахлаган ҳолда  
жовонга жойлаштириш;
  - г) бошқа машгулотга ўтишдан олдин ўйинчоқлар, конс-  
труктор ва бошқаларни тартибли қилиб четга олиб қўйиш;
  - д) оёқларни (тиззага қадар) яхшилаб ювиб, сочиқ билан  
куригунча артиш;
  - е) соchlарини чиройли қилиб тараб юриш, ҳамиша ташқи  
кўринишингизни эътибор билан кузатиб бориш;
- сув, ҳаво, қуёш нурларидан фойдаланган ҳолда врач  
тавсияларига мос равишда чиниқиш муолажаларини амалга  
ошириш;
- сайдан сўнг оёқлари намиқиб қолган ёки терлаган  
бўлса, қуруқ кийим кийиб олишдек оддий қоидани бажара  
олишларига эришиш.
- II. Болаларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлашга  
кўмаклашиш:**
- бола билан муомала қилишда обрўталаб (авторитар)  
усулни қўллашдан воз кечиш;
- уйда тинч-осуда вазиятни яратишга қўмаклашиш;
- ўта даражада руҳий ва жисмоний зўриқишилардан воз  
кечиш;
- оиласда боланинг хулқ-атворидаги ҳар қандай номақбул  
ҳолатлар (бувисига бақириши, кичик укаси ёки бошқа бола-

ларни уриши ва ҳоказо)га доир омилларни чуқур таҳлил қилива боланинг ҳар бир ножоиз қилиғига нисбатан зарурий чорани кўллаш;

— боланинг ҳар томонлама ривожланиши ва тарбияланиши учун шароитни яратиш:

а) боланинг қобилияти ва иқтидорини ҳисобга олган ҳолда, турли-туман фаолият турлари билан таъминлаш;

б) одатлар ва буюмлар ҳақидаги турли ахборотларга қизиқишиш уйготган ҳолда ҳаётий ҳақиқатни оча билиш ва изланишларни фаоллаштириш;

— боланинг диққат-эътиборини ён-атрофдаги қувончли ва ёқимли нарсаларга қаратиш, ижобий таассуротларни мустаҳкамлаш;

— болаларга ўзларининг ҳатто арзимас бўлса-да, эришаётган ютуқларини англаб олишларига ёрдамлашиш;

— болаларнинг ҳар қандай ютуқларини қайд этиб, қўллаб-куvvatлаш;

— болаларда ўз-ўзига баҳо бериш хислатини оширишга кўмаклашиш, уларни яхши фазилатларга эга бўлишга ҳавас-лантириш ва уларга амал қилишларига ёрдамлашиш;

— болаларга ўйинларидағи, бир-бирлари билан ўзаро муносабатларидаги, турли фаолиятларидаги ҳақиқий ютуқли имкониятлари ҳақида ҳикоя қилиш.

### **III. Болаларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ва уларни жисмоний тарбия воситалари ва услублари орқали ривожлантириш:**

— умуртқа поғонасининг барча вазифасини таъминлаш учун зарур бўлган (таянч, амортизация, ҳаракат ва ҳимоя), мушакларнинг ривожланишига хизмат қиласидиган жисмоний тарбиянинг барча мавжуд воситаларидан фойдаланишни фаоллаштириш;

— организмнинг фаолият олиб бориши ва ривожланиши, меъёрида ўсишининг асосий манбаи ҳисобланган болаларнинг ҳаракатли фаолликка бўлган табиий эҳтиёжини таъминлаш;

— болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ривожланишининг индивидуал маълумотларига мувофиқ ҳолда ҳаракатли фаоллик суръати ва ҳажми, давомийлигини тартибида солиб туриш;

— ҳаракатли ҳолатларнинг ихтиёрийлик даражасини оширишга, ҳаракатлар техникаси ва уларнинг мувофиқлашувини

наштириб олиш, ҳаракатли ўйинлар қоидасининг бажарилишига йўналтирилган бўлишига кўмаклашиш;

— сайдарда спортнинг мавсумий турлари билан шугулланиш: қишида чаналарда учиш, ёзда — филдиракли конъкида, велосипедда учиш, сув ҳавзаларида сузиш;

— гавда тузилиши бузилишининг олдини олиш учун имкони бўлган барча воситалардан фойдаланиш:

- а) барча турдаги ҳаракатлар;
- б) ҳаводаги ҳаракатли ўйинлар;
- в) эрталабки бадантарбия;

г) ўйинлар, машғулотлар вақтида боланинг ҳолатини мунтазам кузатиб бориш;

д) ҳар куни таёқча билан машқлар бажариш (иловада берилган «Қоматни созлаш учун машқлар тўплами»га қаранг).

#### **IV. Болалар саломатлигини таъминлашга кўмаклашиш:**

— эҳтиёткорлик ҳис-туйфусини шакллантириш, хавфсизликка доир билимлар билан қуроллантириш:

а) ўткир буюмлар (қайчи, пичоқ, игна ва бошқалар)дан фойдаланганда эҳтиёткорликка амал қилиб, улардан тўғри фойдаланишни ўргатиш;

б) кўм, тош, таёқча ва ҳоказолар билан ўйнаётган пайтда кўзларни шикастланишдан сақлашга ўргатиш;

в) кўз нурини сақлаш учун хона яхши ёритилган бўлиши муҳимлигини тушунтириш;

г) болаларни бегона ҳайвонларга дуч келиб қолганда эҳтиёткор бўлишга (уларни силаб-сийпалаш, қўлга олиш мумкин эмас, негаки улар нафақат тишлиши, балки хавфли тери ва замбуруғ касалликларини юқтириши ҳам мумкин) ўргатиш;

д) заҳарли ўсимликларнинг хусусиятлари ҳақида огоҳлантириб қўйиш;

е) дори препаратларини ичиш, олов, аэрозолли (пуркагич) баллончалар ва бошқа портловчи моддалар билан ўйнаш хавфли эканлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантириш;

ж) йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари билан таништириш (кўчани фақат светофорнинг яшил чирофи ёнгандагесиб ўтиш);

з) хавфсизлик мақсадларида метрога фақат катталар ҳамроҳлигига кириш мумкинлигини тушунтириб бериш;

- и) уй манзилини ва телефон рақамини ёдлаб олиш;
- к) табиий сув ҳавзалари, бассейнларда чўмилиш чоғида эҳтиёткор бўлишга одатлантириш;
- л) инфекцияларнинг юқиш йўллари билан таништириш;
- м) бегона одамлар билан биргаликда сайр қилиш, сафарга бориш, мулоқот қилиш хатарли эканлигини тушунтириш;
- ҳар бир одамнинг энг асосий қадрияти саломатлиги эканлиги ва бунинг учун ўзи жавоб беришини бола чуқур англаб олишига ёрдам бериш;
- а) болаларда ўз соғлиги ва ён-атрофдагиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга доир масалаларга қизиқишишни шакллантириш мақсадида уларга мунтазам таъсир ўтказиб туришнинг шакл ва услублари, мазмун-моҳиятини билиш;
- б) болаларнинг саломатлигини сақлаш билан боғлиқ масалаларда катталар ва болаларнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш;
- в) инсоннинг асосий тана аъзолари ва уларнинг аҳамияти, одамлар ўз таналарини парвариш қилиб юришлари зарурлиги ҳақидаги тушунчани боланинг онгига сингдириш;
- г) боланинг турли соҳадаги фаолияти давомида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий иш турларидан фойдаланиш.

## ХУЛОСА

Оиладаги таълим-тарбия масалалари ўта нозик ва айни пайтда ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб вазифадир. Болаларимизнинг ёруғ дунёга келиши, уларнинг оила, отаона бағрида, болалар боғчасида яйраб ўсиши ҳар бир инсон ҳаётидаги энг қувончли ташвишлардан ҳисобланади. Ҳар ким фарзанди аввало соғлом, қолаверса билимдон, жамиятга фойдаси тегадиган, хушахлоқ, эпчил, бардошли, етук шахс бўлиб етишишини орзу қиласди. Улар ота-оналари ўйлагандек кишилар бўлиб камол топадиларми?

Бунинг учун фақат ота-она меҳри кифоя қиласмикан? Шу ва шунга ўхшашиб саволлар ҳамиша бизни жиддий ўйлантириб келади. «Болаларни тарбия қилиш қийин илм», деб ёзганди таниқли ёзувчилардан бири.

Бу иш меҳр-шафқат ва билимли бўлишдан ташқари тарбиячидан жуда зийракликни, хушмуомалаликни, тарбия ишида буюк маҳоратни, болаларнинг турли ёшдаги хусусиятларини ҳисобга олиб, қалбига чуқур кириб боришни ва бу соҳада Ватан олдидаги масъулиятини бирлаҳза ҳам унутмасликни талаб қиласди.

Мана, мустақилликни қўлга киритганимизга ҳам 15 йил бўлди. Бир қарашда унчалик катта муддат ҳисобланмаган бу йиллар давомида ҳаётимизнинг турли жабҳаларида асрларга татигулик ўзгаришлар содир бўлгани, айниқса, ёш авлодни тарбиялашга ҳеч қачон ҳозирги кундагидек жиддий эътибор қаратилмагани кундек равshan, албатта. Биз буюк келажак сари одимламоқдамиз. Шу боис юксак ахлоқий салоҳиятга эга бўлган авлодни тарбияламоғимиз даркор. Бу осон иш эмас!

Бу дунёда ҳаёт бор экан, одамзод тинч ва фаровон, баҳтилисаодатли умр кечиришни орзу қиласди. Шу маънода, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳоли соғлигини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлигини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсида маҳсус дастур амалга оширилмоқда.

Барчамиз оддий, аммо муҳим бир ҳақиқатни унутма лигимиз лозим, яъни одамзоднинг соғлиги кўп жиҳатдан аввалимбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта аҳамиятга эга. Буни кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда.

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек „...ҳар бир инсон бу ҳаётнинг ҳеч қачон тутамайдиган ташвишларидан бир оз холи бўлиб, ўзи ҳақида ҳам озгина ўйлаши, соғлиги ҳақида қай-фуриши, таъбир жоиз бўлса, ўзини жиндай яхши кўриб яшаши керак эмасми?

Бошқача айтганда, одамларимиз ўзини ўзи қадрласа, ўз қадрига, аввало ўзи етиб борса, фойладан холи бўлмасди. Мана шундай қараш, мана шундай ёндашувни ҳаётимиз қоидасига айлантириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимизнинг вақти келди, деб ўйлайман“.

Тарбия — кўпдан-кўп омилларга боғлиқ бўлган мураккаб, кўп қиррали ва узоқ муддат давом этадиган жараёндир.

Одамлар онгига мустаҳкам ўрнашиб қолган, тарбия бериш мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларнинг иши, ота-онанинг бунга «вақти йўқ», деган қарашларга барҳам бериш, бутун саъй-ҳаракатни ҳамжиҳатликда келажаги буюк бўлган Ватан равнақи, унинг истиқболи учун муносиб бўлган, ҳар томонлама етук, тани-жони соғ, ўзи ва ён-атрофдагиларни хурматини жойига қўя оладиган истиқболи порлоқ, баркамол авлодни авайлаб-асраб тарбияламофимиз лозим бўлади. Бир нарсани асло унугаслигимиз даркор — фарзанд учун биринчи навбатда ота-она жавоб беради, асли уларга қўйилган муҳим талаб ҳам шундан иборат.

Бола ҳаётининг келгуси пиллапоялари — боғча, мактаб, лицей, олий таълим муассасаларига оиласда олган илк кўникма, қандайдир туфма ҳосил қилинган хусусиятлар, муайян малака, одатлар ва шаклланаётган табиати билан қадам қўяди. Тарбиячи ёки ўқитувчи оила билан ҳамкорликда, оиласда бошланган тарбияни давом эттириш баробарида, бола оиласда шакллантира бошлаган хулқ-атвор, малака ва маҳоратларини янада мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Бола тарбиясида, унинг санитария-гигиенага доир қоидаларни пишиқ-пухта ўзлаштириб боришида ота-оналар, тарбиячилардан юксак маҳорат, катта тажриба ва билим талаб этилади. Ота-оналар ўз иш жойларида жуда яхши ва ишга содик ходимлар бўлиши мумкиндиру, аммо бола тарбияси билан боғлиқ ишларда нўноқ тарбиячи бўлишга ҳаққи йўқ. Улар ўз фарзандларининг: софдил, меҳнатсевар, қўрқмас, сахий бўлиб улғайишини умуман тасаввур қиласидар, албатта. Лекин бу хислатларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан ҳосил қилинмайди. Бундай мақсадга болага гўдаклигидан бошлаб мунтазам равишда, ҳар куни изчиллик билан таъсир қўрсатиб борилганда, боланинг бирорта ҳам ҳаракати одоб доирасидан чиқмаслиги ота-оналар, тарбиячиларнинг эътиборидан четда қолмагандагина эришилади.

Болаларни ахлоқий кўникмалар билан чиниктириш керак: қанча кўп чиниктирилса, яхши ва тўғри ҳаракатлар қилиш одатлари шунча мустаҳкам бўлади. Ахлоқий қоидаларни бузувчи ножӯя ҳаракатлар қанчалик майдада-чуйда бўлиб қўринмасин, тажрибали тарбиячи уни четлаб ўтмайди. У ножӯя ҳаракатни албатта муҳокама қиласи, боланинг ўз хатосини ёки айбини ўзи тушунишига, ўзини ўзи қоралашига эришади — бу тарбия ишидаги энг муҳим нарсадир. Оилада муносиб тарбия орқали болангизнинг тўғрисүз, софдил бўлиши, вижданан меҳнат қиласиган одам бўлиб улғайишини истасангиз, бу каби одатларни мустаҳкамловчи ҳеч қандай ҳодисага бефарқ қарамаслик керак.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тарбияси, уларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ санитария-гигиенага оид мавзулар, боланинг жисмоний тарбия ва спорт орқали уйғун ривожланиши, турли вазиятларда нохуш ҳодисалар, шикастланишлардан ўзини сақлай билиши, тўғри овқатланиш, стол атрофида ўзини тутиши ва тавсия этилган бошқа бир қатор мавзулар ота-оналарга кундалик турмушда фарзандлари тарбияси билан машғул бўлишларида яқин кўмакдош бўлиб қолади, деб умид қиласиз.

Маълумки, турмушдаги ҳар қандай вазиятларга маҳсус тавсия бериб бўлмайди. Энг муҳими, болаларни меҳнатга унинг оиласидаги яқин кишиларига, боғчадаги тенгқурлари, мактабдаги ўртоқларига, кейинчалик эса жамиятга келтирадиган фойдаси учун жалб қилмоқ зарур. Болалар онгига тайёр эътиқодни, тайёр қоидаларни сингдиришдан қочиш керак.

Аслида, уларни ҳамиша атрофдаги ҳаётни күра билишга, құза билишга, мушоҳада юритишга, ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ва уларга ўз муносабатини билдиришга үргатиши, яни қоидаларни қуруқ ёдлатишига эмас, балки ўз ақынаның идроки билан әттиқодини шакллантиришга әришиш керак.

Оиланинг барча аъзоларига соғлом ҳаёт кечириш учун ёрдам берувчи куч — соғлом турмуш тарзидир.

Сиз оила аъзоларингиз, хусусан, болаларингиз учун ижобий үрнак бўлиб қоласиз. Бундан ташқари, болаларингизнинг соғлом ўсиб-улғайишлари учун қулай муҳит яратиб бера оласиз. Сиз болаларингизга соғлом турмуш тарзини танлашга ёрдам берар экансиз, нафақат ҳозирги кунда, балки келажакда ҳам уларнинг ҳаётдан тўла лаззатлана олишларига ўз ҳиссангизни қўшасиз. Одамлар соғлом турмуш тарзини танлашлари билан саломатликларини, унинг барқарорлигини таъминлайдилар. Бундай танлов фақат сизга, сизнинг истак-хоҳишингиз ва иродангизга боғлиқдир.

Мазкур китобчада тавсия этилган маълумотларга асосланиб тўғри қарорга келсангиз, соғлом турмуш тарзини танлаш имконига эга бўласиз. Фарзандларингиз онгида чекиш, спиртли ичимлик ичиш каби ҳаётда учрайдиган айрим заарарли одатларга қарши нафрат уйфота олсангиз, жисмоний тарбия билан фаолроқ шуғулланиш, соғлом овқатланиш ва фойдали меҳнат қила олишга нисбатан рафбат уйфота олсангиз, санитария-гигиена қоидаларининг асослари билан яқиндан таништирсангиз — уларнинг саломатлиги пойдеворига мустаҳкам асос солган бўласиз.

Бугунги кунда фарзандларимиз саломатлиги йўлида профилактиканинг устуворлиги тўғрисидаги масала ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш зарурлиги биринчи үринга қўйилган экан, жаҳон ва мамлакатимиз тиббиётининг бутун тажрибаси инсон учун ҳаракат фаоллиги, хусусан, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш организмнинг функционал (вазифавий) имкониятларини оширишини кўрсатмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари, ёши, жинси ва қисман республикамиз иқлимиy-географик шароитларига мослаб тузилган тавсияномалар отаоналар, тарбиячиларига жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини тўғри ташкил қилишларида ёрдам беради, деб ишонамиз.

Инсон табиати, иродаси, юксак маънавий сифатлари кураш жараёнида, қийинчиликларни енгиш жараёнида ривожланади ва мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам болаларда кураш қувончини, ғалаба қувончини сеза билиш қобилиятини ёшлиқдан бошлаб, боланинг ёш хусусиятларига мос ҳолда тарбиялаб бормоқ керак. Болаларга ёрқин қувонч имкониятларини тақдим этмоқ керак, лекин айни вақтда уларда қатъийликни, мақсадга эришишда матонатли бўлиш хислатини, олға ва фақат олға интилиш каби сифатларни ҳам узлуксиз тарбиялаб бормоқ керак.

Барча оила аъзоларининг муаммоларни ҳал этишда биргаликда иштирок этишлари туфайли болалар санитария ва гигиеник ахлоқларини мустақил равишда яхшилашларига имкон яратилади.

Саломатликни муҳофаза қилиш барчанинг ва ҳамманинг иши бўлиб қолиши лозим.

Саломатлик инсон учун энг бебаҳо бойлик экан, келинг, биргаликда касалликларни бартараф этиш йўлларини излайлик, токи ҳар биримизнинг оиласизда сиҳат-саломатлик барқарор бўлсин! Бу эса ҳаммамизнинг қўлимиздан келадиган иш. Оиласинг ҳар бир аъзоси ўзининг ва ўзгаларнинг соғлиги хусусида қайгуар экан, энг аввало, биринчи навбатда, қилиниши лозим бўлган ишлар, чора-тадбирларни беистисно тарзда амалга ошира борса, ҳамиша «касаллик мингта, соғлик эса битта»лигини ёдда тутган ҳолда орасталик, санитария-гиена қоидаларига амал қилса, ўзи ва бошқаларни ҳам бунга даъват этса, сўзсиз, касалликларни хонадони остонасига қўй-маслик сари дадил қадам ташлаган бўлади.

Ўзингизга ва ўз яқинларингизга Саломатликни туҳфа этинг. Буни бугун, ҳозироқ бошланг. Аминмизки, бу иш қўлингиздан келади.

## Қоматнинг бузилишини олдини олиш учун машқлар мажмуи

**Д.Ж. Шарипова ва Л. М. Семенованинг «Тўғри қоматни тарбиялаш» қўлланмаси ва Е. А. Лебедева ва Е. В. Русаковларнинг «Мактабгача ёшдаги болаларда тўғри қоматни тарбиялаш» китобида қоматнинг бузилишини олдини олиш ва агар улар аниқланган бўлса, тузатишга доир машқлар мажмуи тақдим этилган.**

1. Елканинг курак қисми мушаклари учун машқлар:
  - қўлларни икки томонга ёйинг ва туширинг;
  - таёқчани юқорига кўтаринг ва унга қаранг;
  - куракда ётганча, қўлларни ёйинг, уларни полдан узмаган ҳолда, бошингиз узра бирлаштиринг;
  - қоринда ётган ҳолда, бошни ва елкани бир оз кўтаринг, қўлларни олдинга узатинг.
2. Оёқ мушаклари учун машқлар:
  - оёқ учида кўтарилинг, пастга туширинг;
  - чўйкалаб ўтиринг, тиззаларни орасини очиб, қўлларни олдинга узатинг;
  - куракда ётганча, навбати билан оёқларни тўгрилаб кўтаринг;
  - куракда ётганча оёқ билан велисипед ҳайдаётгандек ҳаракат қилинг.
3. Гавда мушаклари учун машқ:
  - таёқчани олиб, уни полга қўйинг, қаддингизни ростланг, энгашиб таёқчани кўтаринг;
  - чирмаштирилган оёқлар билан ўтиранча ўнгга (чайга) бурилинг, қўлларни узатиб, дастлабки ҳолатга қайтинг;
  - таёқчани куракда тутиб турганча, ўнгга (чапга) энгашинг, дастлабки ҳолатга қайтинг;
  - ётган ҳолатдан ўтиришга ўting ва қўлларни олдинга узатинг;
  - ўтирган ҳолда оёқларни букинг ва уларни кўкрак томонга тақанг, пешона билан тиззаларга тегининг.

Ҳаракатларни ривожлантириш учун қуйидаги логоритмик машқлар таклиф этилади.

### 1-машқ

Ола қарға — күк қарға.  
Таом пиширди.  
Қорни очган болаларга овқат улашди.  
Унга берди, бунга берди,  
учинчисига эса ҳеч нарса қолмади.  
Сен сув ташимадинг, дея овқат бермади.  
Ўтинг ёрмадинг. Таом тайёрламадинг. Энди бўлса сенга ҳеч вақо ҳам йўқ.

Болалар сакрашади.  
«Пишириш» ҳаракатининг имитацияси.  
«Овқатлантириш» ҳаракатининг имитацияси.  
Кафтларни бир-бирига уриш.  
Қўлларни икки томонга ёйиш.  
Гавдани у ёқдан бу ёққа тебратиш.  
Танани олдинга энгаштириш.  
«Пишириш» ҳаракатининг имитацияси.  
Бир жойда туриб сакраш.

### 2-машқ

Хой сувчию, сувчижон,  
Юзимни ювгин бир он.  
Қўзларим хўп яшинасин,  
Ёноқларим товлансин.  
Оғзим эса жилмайиб,  
Тишларим ўткирлашсин.

Қўлларни у томондан бу томонга силкитиш.  
Бошни у ёқдан бу ёққа бурриш.  
Қўзларни ювиш имитацияси.  
Ёноқларни ювиш имитацияси.  
Бир жойда туриб сакраш.

### 3-машқ

Тезроқ келиб қарагин,  
Пуфакчалар шиширдик.  
Яшил, қизил, мовий, ол,  
Истаганинг танлай қол.

Қўлларни юқорига кўтариш.  
Қўлларни икки томонга ёйиш.  
Бир жойда туриб сакраш.  
Югуриш.

Бийр ёшдан ошган болаларнинг ҳаво ҳароратига боғлик ҳолда кийинши учун тахминий тасвиялар

## Эрталабки бадантарбия учун мажмуалар

### 1-мажмуа

1. Дастанлабки ҳолат (Д.х.): гавдани бир ёқлама тик тутиш, оёқлар ораси очилган, құллар пастда.

1—3—құлларни юқорига күтариңг, орқага қилинг (оёқ) учида күтарилиб, құлларга қаранг.

4—Д.х.га қайтинг. Құллар билан соат милларига тескари ҳолатда айланма ҳаракатлар қилинг.

3—4 марта такрорланг.

2. Д.х.: Ыша-ұша ҳолат, құлларни олдинга қилинг.

1—2—ұнг томонга бурилинг.

3—4—Д.х. га қайтинг. Худди ұша ҳаракатларни чап томонда такрорланг.

4—5 марта такрорланг.

3. Д.х.: Оёқлар орасини очиб, гавдани ростланг, құлларнлизни белингизга қўйинг.

1 — эгилинг.

2—3 — бармоқлар билан (тиззани букмаган ҳолда) оёқ, учиға тегининг.

4. Д.х.: Гавдани бир ёқлама тик тутиңг. Оёқлар ораси очилган, құллар белда.

1—2 — чўққайиб ўтиринг, құлларни олдинга узатинг (гавдани тўғри тутиңг).

3—4 — Д.х.

3—5 марта такрорланг.

5. Д.х.: Гавдани тик тутиңг, оёқлар ораси очилган, құллар белда.

1—2 — чўққайинг, құлларни олдинга узатинг (гавда тик ҳолатда);

3—4 — Д.х.

3—4 марта такрорланг.

6. Д.х.: Куракда ётган ҳолда құлларни эркин қўйинг, оёқларни чўзинг.

1—3 — навбатма-навбат оёқларни букинг.

4 — Д.х.га қайтинг. 4—5 марта такрорланг.

7. Турган жойда иккала оёқда сакранг.

5—6 марта такрорланг.

## 2- мажмұа

**1. Д.ҳ.:** Оёқлар орасини очган ҳолда гавда тик ушланади.

1 — таёқчани олдинга күтариңг.

2 — юқорига күтариңг.

3 — ўзизга томон олиб келинг.

4—5 — Д.ҳ.га қайтинг.

6 марта такрорланг.

**2. Д.ҳ.:** Оёқлар ораси очилиб, гавда тик ҳолатда тутилади, таёқча олдинга томон күтарилади.

1—2—таёқчани ўнг томонга күтариңг.

**3—4—Д.ҳ.:** Худди ана шу ҳаракаттарни чап томонда бажаринг.

3—4 марта такрорланг.

**3. Д.ҳ.:** Ўша ҳолат, таёқча юқорида.

1—2 — олдинга энгашыб, букиласиз;

3—4 — Д.ҳ. га қайтасиз.

5—6 марта такрорланг.

**4. Д.ҳ.:** Гавданы тик тутиб, оёқлар орасини очинг, таёқча пастда. 1—2—чўққайиб ўтириңг, таёқчани олдинга томон күтариңг (қоматни букманг).

3—4—Д.ҳ.га қайтинг.

5—6 марта такрорланг.

**5. Д.ҳ.:** Қоринда ётган ҳолда, таёқчани юқорига күтариңг.

1—2—таёқчани орқага қилинг (оёқларни тўғри ушлаб) эгилинг.

3—4 — Д.ҳ.га қайтинг.

5—6 марта такрорланг.

**6. Иккала оёқда таёқча устидан сакранг (эркин суръатда).**

4—5 марта такрорланг.

## 3-мажмұа

**1. Д.ҳ.:** Гавданы бир ёқлама тутиб, оёқлар орасини очинг, қўлларни пастга тушириңг.

1—3 қўлларни олдинга — юқорига (оёқ учидаги күтарилиниг), ўнг ва чап томонга күтариңг ва пастга тушуриңг:

5—6 марта қайтариңг.

**2. Д.ҳ.:** Гавданы тик тутган ҳолда, оёқлар орасини очинг, қўлларни орқага қилинг.

1—2—қўлларни одинга кўтариб, кўкрак олдида кафтларни бир-бирига уриб, эгилинг.

3—4—Д.ҳ. га қайтинг.

5—6 марта қайтаринг.

3. Д.ҳ.: Худди ўша ҳолат, қўллар пастда.

1—қўлларни юқорига кўтаринг.

2—ўнга эгилинг.

3—чап томонга эгилинг.

4—ўнг томонга эгилинг.

5—6—Д.ҳ.га қайтинг, 4—5 марта қайтаринг.

4. Д.ҳ.: Қоматни кенг олинг, оёқлар ораси очилади, қўллар белда.

1—ўнг томонга бурилинг.

2—чап томонга бурилинг.

3—яна ўнгга.

4 — Д.ҳ. га қайтинг, 3—4 марта қайтаринг.

5. Д.ҳ.: Ўша ҳолат, қўллар пастда, 1—4—олдинга эгилиб, букилинг.

5—6—Д.ҳ. га қайтинг. 5—6 марта қайтаринг.

6. Д.ҳ.: Турган жойда олдинга интилиб, эркин сакранг (эркин суръатда).

#### **4-мажмуа**

1. Д.ҳ.: Полда ўтирган ҳолда, оёқлар бир оз букилган.

1—2 қўлда тўпни тутган ҳолда олдинга-юқорига кўтариб, чўзилинг.

3—4—Д.ҳ. га қайтинг. 4—5 марта қайтаринг.

2. Д.ҳ.: Ўша ҳолат, тўп қўлларда.

1—2—эгилган ҳолда олдинга букилинг, коптокни олдинга қилган ҳолда, чўзилинг.

3—4—Д.ҳ.га қайтинг. 4—5 марта қайтаринг.

4—5—чап томонга бурилинг.

6—Д.ҳ.га қайтинг. 5—6 марта қайтаринг.

3. Д.ҳ.: Гавдани тик тулинг, оёқлар ораси бир оз очилган, тўп қўлларда.

1—2—олдинга, пастга эгилинг, тўп билан полга тегининг.

3—4—Д.ҳ.га қайтинг. 5—6 марта қайтаринг.

4. Д.ҳ.: Коринда ётган ҳолда, тўп тепада.

1—2—тўпни орқага олинг, эгилинг (оёқлар тўғриланган).

3—4—Д.ҳ.га қайтинг, 4—5 марта қайтаринг.

Машқларни болалар уни ўзлаштириб олишларига боғл  
холда мураккаблаштириш тавсия этилади. Бунинг учун  
қўшимча ҳаракатларни киритиш, ҳаракатли ўйинларни шунга  
ўхшашибарига алмаштириш ёки атрибуларни ўзгартирининг  
ўзи кифоя. Бирок, ота-оналарнинг асосий талаби ва бош  
вазифаси жисмоний машқларни бажариш чоғида ижобий ҳис-  
туйгулар уйфотишдан иборат.

## САЛОМАТЛИК АЛИФБОСИ

### Ота-оналар ва МТМ тарбиячиларининг санитария-гигиена бўйича саводхонлигини оширишга доир услубий қўлланмана

Ота-она фарзандини дунёга келтирас экан, бутун ҳаётини унинг баҳт-иқболи, соғлом, баркамол авлод бўлиб етишиши йўлида бағишлаб, фидокорлик кўрсатади. Бола тарбияси оила ва МТМ тарбиячилари олдида турган энг мураккаб ва долзарб вазифадир. Ниҳонни илк давридан авайлаб-асраб парвариш қилиш орқалигина кўзланган мақсадга эришилади. Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган «Саломатлик алифбоси» услубий қўлланмаси бу борада ота-оналарга оиласда ва МТМ тарбиячилари учун болалар боғчиасида энг яқин кўмакчи бўлиб қолишига умид қиласиз.

#### Саломатлик алифбоси

##### Режа:

1. Одам танасининг тузилиши билан таништириш.
2. Мактабгача ёшдаги болаларни шахсий гигиена қоидаларига ўргатиб бориши.
3. Гигиена воситалари, анжомлари билан таништириб, улардан фойдаланишга ўргатиши.
4. Ҳар бир ҳарфга мос шеърлар, ҳикматли сўзлар, ҳадислар топиши.
5. Ҳаракатли ўйинлар.
6. Спорт мусобақалари.
7. Миллий урф-одатларни болалар тарбиясида қўллаш.

##### 1. Одам танасининг тузилиши билан таништириши.

Одам гавдаси бош, бўйин, тана ва қўл-оёқларга бўлинади. Булар яна, ўз навбатида, тегишли қисмларга ажратилади. Бош — мия қутиси ва юзасига, бўйин — орқа, олдинги бўлимга, тана — орқа, кўкрак ва қоринга, оёқ — сон, тизза, болтир ва оёқ панжасига бўлинади.

Гавда тери билан қопланган, у организм учун филоф қоплагич ролини ўйнайди ҳамда ташқи муҳит таъсирлардан ҳимоя қиласи, ажратиш, моддалар алмашинувида иштирок этади.

Одам гавдасининг механик асосини сувак секлети ташкил этади. Скелет муҳим таянч органи бўлиб, организмга «шакл» бераб туради. Суваклар, уларни бир-бирига туташтириб турадиган бўғим ва бойламларнинг ҳаммаси биргаликда таянч ҳаракат аппаратини ташкил этади.

Таянч-ҳаракат аппарати тузилиши ва функцияси (вазифаси)га кўра одамнинг тик юриши, туриши ва турли-туман ҳаракатларни бажаришини таъминлайди.

## **2. Болаларнинг жисмонан ривожланиши кўрсаткичлари.**

Қадди-қомат — тана ва бошни унча зўриқтирумасдан, эркин тутиш билан ҳаракатланадиган одатдаги вазиятдир. Болани ёнбоши билан турғизиб қўйиб, қоматини аниқлаш мумкин. Бундай вазиятда умуртқа поғонасининг табиий қийшаймалари жуда яхши сезилади. Умуртқа поғонаси табиий эгрилигига нисбатан ҳаддан ташқари қийшиқ ёки етарли бўлмаслиги, умуртқа поғонаси вазифасининг бузилишига ва бошқа ёмон оқибатларга олиб боради.

Умуртқа поғонасининг ёнбошга қийшайиши «сколиоз» деб аталади. Сколиоз тананинг нотўғри вазиятда бўлиши ёки танани нотўғри тутиш одати натижасида пайдо бўлади. Сколиозга кўпинча бўғимларнинг нимжонлиги сабаб бўлади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш ва ҳаракатли ўйинлар ўйнаш бойлам-бўғим аппартини бақувват қиласи, бинобарин, сколиознинг олдини олади.

Уйда ва МТМда бола овқатланаётганда, ўйинлар ўйнаётганда ва машғулотлар пайтида гавдани қандай тутаётганини назорат қилиб туриш катта аҳамиятга эга.

## **КЎКРАК ҚАФАСИ ШАКЛИ**

Кўкрак қафаси конуссимон, цилиндрсимон, бочкасимон бўлиб, кўкракнинг туртиб чиқиб туриши, ясси бўлиши, ичига кириши — кўкрак қафаси шаклининг энг кўп учрайдиган бузилиши ҳисобланади.

Кураклар нормада битта чизиқда бўлиши ва орқадан жуда чиқиб турмаслиги керак. Кураклар қуий бурчакларининг бир хил ҳолатда турмаслиги ёки куракларнинг қанотсимон бўлиши кўкрак қафаси нотўғрилигини кўрсатади.

## ОЁҚЛАР ШАКЛИ

Оёқлар шакли меъерий бўлишидан ташқари, «О» симон бўлиши мумкин. Бу рахит асоратларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, оёқлар «Х» шаклида ҳам бўлади. Бу аксарият бойлам-бўғим аппаратининг нимжон бўлиши натижасида, кўпинча қизларда пайдо бўлади.

## ОЁҚЛАР КАФТИ ШАКЛИ

Меъёрда оёқлар кафти ярим гумбаз шаклида бўлади. Бу пружиналанувчи «гумбаз» боғламнинг чўзилиши ва мушакларнинг зўриқиши туфайли турилади.

Мушак-боғлам аппаратининг қувватсизлиги ёки унга оғир юқ тушиши, шунингдек, оёққа мос келмайдиган нотўғри пойабзал кийиш оёқ кафтининг меъерий вазифасини бузади ва гумбазнинг ялпайишига олиб боради.

Оёқ кафти гумбазининг жуда яссиланиши оёқ кафтининг меъерий вазифасини ёмонлаштиради. Ўрганда ва турганда одам дарров чарчаб қолади, мушакларида оғриқ туради. Оёқ кафтини шунчаки қўриб, унинг шаклини билиш мумкин. Оёқ кафти қаттиқ нарсага ёки қофозга қўйилганда, тушган изидан ясси оёқлик бор-йўқлиги дарров билинади.

### 6—7 ёшли болалар эгаллаши зарур бўлган малака ва одатлар.

1. Болаларда кийиниш, ечиниш, соchlарни тараб, ораста бўлиб юриш, бошлаган ишни охирига етказиш каби хислатларни таркиб топтириш.

2. Кийимларидаги нуқсон (лой сачраши, чоки сўқилиши, тугмасининг тушиб қолиши)ни ўз вақтида сезиш, уни катталар ёрдамида бартараф қилишга одатлантириш.

3. Шахсий гигиена (қўлни совун билан ювиш, тирноқларни тозалаш, ифлос нарсаларга қўл теккизмаслик кабилар) қоидаларига риоя қилишга ўргатиш.

4. Уйқудан олдин ювиниб ётишга ўргатиш. Қўл ва бадан учун фойдаланадиган сочиқларни фарқлашга ўргатиш.

5. Эрталаб ювинмасдан катталарга салом бериш ҳурматсизлик эканлигини англашиб.

6. Кийимларни тез ва тўғри кийиб-ешишга одатлантириш.

7. Тенѓдошларининг кийимида камчилик ва тартибсизликларни қўриб, уларни оҳиста огоҳлантиришга ўргатиш.

8. Қўчада қофоз ва бошқа нарсаларни ерга ташламасликка ўргатиш.

9. Күчада, жамоат жойларида, меҳмонда интизомли бўлиға одатлантириш.

10. Хонага кирганда оёқ кийимини ечиб ва артиб, жойига тартибли қўйишга ўргатиш.

11. Тенгдошлари ва ўзидан кичикларга ғамхўрлик қилиш, эътиборли бўлиш, ёрдам бериш, меҳрибонлик қилишга ўргатиш.

## СОЕЛОМ ТИШЛАР – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Бу кўхна ҳакиқатни қайта-қайта такрорлагинг келади. Зеро, тишлар ёш боланинг ҳам, катта ёшли одамнинг ҳам саломатлигига, руҳий кайфиятига. — мимикасига, хулқига таъсир қиласди. Дурдек, ялтираб турган тишларнинг одам ҳуснига ҳусн қўшишини ҳамма билади. Чиройли тишлари ярашиб, кулиб турган одамни кўрганда кўнглинг ёришиб кетади. Аксинча, тишлари хунук одамни кўрсанг, кўнглинг хира бўлади. Тиш касалликлари ичida «кариес» — тиш емирилиб, ичida ғовак ҳосил бўлиши анча кенг тарқалган. Бунда тиш иссиқ-совуқ текканда, нордон ва шўр овқат еганда оғрийди, тиш яллиғланиб, унинг асаб толалари заарланади.

Кариец тишлари бор болалар кўпинча паришонхотир, кайфиятлари бекарор, салга толиқиб қоладиган бўладилар. Бола оғиз бўшлигини ва тишларини ўз вақтида парвариш қила бошлаши керак. Бунда ота-оналар сут тишларини парвариш қилиш ва доимий тишлари чиққунга қадар зарарлантirmай сақлаш, доимий тишлар паравариши каби муҳим эканини билишлари зарур.

Шу сабабли, боланинг сут тишлари чиқиши биланоқ, ҳар сафар овқатлантириб бўлгандан сўнг қайнатилган сув ичириш, каттароқ болаларни эса ҳар сафар овқат егандан сўнг оғзини чайишга ўргатиш зарур. Бола З яшар бўлганда, унга тиш чўткаси совға қилинг ва эрталаб ҳамда кечқурун тишларини тозалашга ўргатинг.

### Тишларни қўйидагича тозалаш керак.

Аввал оғиз хона ҳароратидаги сув билан яхшилаб чайилади, сўнгра тиш чўткасини сувга ботириб, болалар тиш порошоги ёки пастасига сал текклизилади ва тишларни жипслаб турган ҳолда олди ва ён юзалари бўйлаб ишқаланади, бунда чўткани пастдан тепага қараб ёки аксинча юргазиш керак. Шундан сўнг кичкинтой оғзини очиб, жағ тишларини ва тишларининг ички юзасини тозалashi керак. Тишларни тозалаб бўлгач, оғиз яхшилаб чайилади.

## **Мактабгача ёшдаги болаларни милкларни массаж қилиш (ұкалаш)га ұргатиши.**

Мактабгача тарбия ёшидаги катта болаларни милкларни массаж қилишга ұргатиши керак.

Совунлаб ювилган бармоқтар билан юқори жағ милки юқоридан пастга, пастки жағ милки эса пастдан юқорига томон массаж қилинади. Бармоқтарни ҳаракатлантирганда жағни сал босищ керак. Милкни массаж қилиш тиіш учун жуда фойдалы.

«Милк соғлом бўлса, тишлар соғлом бўлади», деб бежиз айтишмайди. Бироқ тишларни тозалаш ва милкни массаж қилиш билан нотўғри жойлашган тишлар ва жағларнинг бузилган шакли тўғри бўлиб қолмайди, буни фақат маҳсус аппаратлар ёрдамида тўғрилаш мумкин. Бу аппаратларни стоматолог-ортодонт врач ҳар бир болага юз шакли, жағлар ва тишлар шаклининг қанчалик бузилганлигига қараб танлайди.

Ота-оналарнинг вазифаси болани ўз вақтида шифокорга олиб бориш ва боланинг врач кўрсатмаларини қандай бажараётганлигини доимо назорат қилиб туришдан иборат. Бола врача ўз вақтида олиб борилгандан ва унинг маслаҳатлари пухта бажарилганида жағлар шаклининг мураккаб бузилишини ва тишларнинг нотўғри жойлашишини тўғриласа бўлади. Ота-оналар болаларнинг тишларини МТМда, мактабларда мунтазам равишда текшириб турилишини билишлари ва стоматолог билан доимо маслаҳатлашиб туришлари лозим.

## **СОВУН ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ**

Турли ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, синтетик ёғ кислоталари, ўювчи ишқорлар ва бошқалар совун ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади. Қандай мақсадларда ишлатилишига қараб кирсовун, атирсовун, шифобахш совунлардан фойдаланилади. Кирсовун уй хўжалигига турли мақсадларда ишлатилиди. Кўл, бадан ва бошни атирсовунда ювиш тавсия этилади.

## **«САЛОМАТЛИК АЛИФБОСИ»НИ ұргатишининг тахминий мужассамлашган қўринишилари**

### **«A»**

1. Одам танасининг тузилиши билан таништириш.
2. Анжир ҳақида шеър ёд олиш.
3. «A» товуши билан бошланған тез айтишни ёдлаш.
4. «Айиқ ва асаларилар» ҳаракатли үйин.

## «Б»

1. Гигиена воситалари билан таништириш (соңық, совұн, тиіш чұтқа).

2. Болалар кийими қандай бұлиши керак?

Мавсумий кийиниң ҳақида ота-оналарга тавсиялар.

3. Тил билан машқ: «Бекінмачоқ».

4. Ҳаракатли үйин: «Бүек сотовучи».

## «В»

1. Вирусли гепатит ҳақида түшунча бериш.

2. «Бүри увиллайди» машқи.

3. Велосипед учишни үрганамиз.

4. Ҳаракатли үйин: «Варрап учарамиз».

## «Г»

1. Гимнастика ва унинг аҳамияти ҳақида түшунча бериш.

2. П. Мұминнинг «Гижингтоймиз» шеърини ёд олиш.

## «Д»

1. Дам олиш — чарчоқни йүқотиши. Ором ҳолати ҳақида түшунча бериш.

2. Нима учун киймларни дазмоллайсиз?

(Сұхбат, мунозара.)

3. Топишмоқлар:

Ортиб аччиқ, қызил мева,

Оқ деңгизда сузар кема. (Дазмол.)

4. Ҳаракатли үйин: «Доирада тур».

## «Ё»

1. Ёруғлик: «Қүёш» нурлари ҳақида маълумот бериши.

2. Ёнғоқ мевасининг фойдаси.

3. Топишмоқлар:

У ёғи тоғ, бу ёғи тоғ, ўртаси сариёғ.

Құшалоқ товоқ, ичи тұла ёғ.

Усти зақар, ичи тош, тошнинг ичи асал.

## «Ж»

1. Жароқатланиш ва унинг олдини олиш ҳақида сұхбат.

2. «Жұжа» шеърини ўқиб бериш.

3. «Ж» товуши билан бошланадиган тез айтиш.

4. «Жұжаларим» үйини.

## «З»

1. Заҳарланиш ва унинг олдини олиш.

Доридан, кимёвий моддалардан, құзиқориндан заҳарланиш.

2. «Құнғизлар ва чивинлар» үйини.

3. «З» товуши билан бошланадиган тез айтишлар.

4. Ҳаракатли ўйин: «Загизон».

### «И»

1. Идиш-товоқлар ва уларни озода тутиш ҳақида сұхбат.

2. Чойнак, пиёла, қозон-товоқ, коса ҳақида топишмоқлар.

3. П. Мұхаммадиёрөванинг «Нигора» ҳикоясини ўқиб бериш.  
(«Дурдона» 75-бет.)

4. Ўй-рұзғор буюмлари расмини чизиш ёки апликация.

### «К»

1. Кийим-кечакларни асраш, кир құлмаслик ҳақида сұхбут.

2. «Пальточа» ҳикоясини ўқиб бериш.

3. Ҳадислардан намуналар.

4. «Ким күп ёнғоқ үйгади?» ўйини.

### «Л»

1. Лаб ҳақида маълумот бериш.

2. Топишмоқ:

Кел, кел десам келмайди, келма десам келади.

3. «Лайлак» шеърини ёд олиш.

4. Ҳаракатли ўйин: «Лайлак келди ёз бұлды».

### «М»

1. Мевалар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот бериш.

2. Меваларни истеъмол қылғанда нималарга аҳамият бериш керак? (Болалар билан баҳс-мунозара.)

3. Олма, ўрик, шафтоли, олча, гилос ҳақида шеър ўқиб бериш.

4. Мевалар ҳақида топишмоқлар.

### «Н»

1. Нафас олиш тизими ҳақида содда маълумот бериш.

2. «Нок» шеърини ўқиб бериш.

Нок мевалар асили,

Эрта пишар ҳосили.

Шириналиги худди бол,

Пишганини териб ол.

3. «Отлар ўйини» машқи.

Болалар ўйин пайтида «Но» бүғинини айтғанларида «Н» товушини бир оз чүзиброк талаффуз этишларини назорат қилиб бориш керак.

5. Ҳаракатли ўйин: «Нимага ўзгариб қолди?»

### «О»

1. Овқатланиш тартиби ва унга амал қилиш.

2. Олмахон шеърини ёд олиш.

Үйчамда кечгача ёнғоқ чақыб ўтираман,

Атроф пүчөкә түлгач, думим билан супураман.

3. «О» товушининг талаффузи машқи.

4. Ҳаракатли ўйин: «Оқ теракми, кўк терак».

5. Ҳадислардан намуналар.

6. Қобусномадан парчалар. Ота-онани ҳурматлаш ҳақида.

(«Дурдона» 232-бет.)

**«П»**

1. Пойабзал, унинг турлари ҳақида маълумот бериш.

Пойабзал тор ёки кенг бўлганда қандай асоратлар бўлиши мумкин. (Болалар билан мунозара.)

2. «Золушка» эртагини ўқиб бериш.

3. Ҳаракатли ўйин: «Пир этди».

**«Р»**

1. Ранглар ҳақида маълумот бериш.

Ранг ажратса олмаслик қандай касаллик? (Ота-оналар билан суҳбат.)

2. Тез айтиш:

Дарё чети арчазор,

Арчазорда арча бор.

3. «Р» товушининг талаффузи.

4. F. Комиловнинг «Appa fir-fir» шеърини ўқиб бериш.

**«С»**

1. Сабзавотлар ва уларни истеъмол қилиш ҳақида.

2. «Мева ва сабзавотларни ажрат» таълимий ўйини.

3. Ҳикоя қилиб бериш. «Олтин тарвуз» эртаги.

4. Шарқ мутафаккирлари болалар саломатлигини сақлаш ва уларни тарбиялаш ҳақида.

5. Соғлом бўлишни истасанг ўзингни чиниқтириш.

6. П. Мўминнинг «Яша совун, яша сув» шеърини ўқиб бериш.

**«Т»**

1. Тишни парвариш қилиш ва тиш ювиш қоидалари билан таништириш.

2. П. Мўминнинг «Тишлар» қўшигини ўқиб бериш.

3. Топишмоқ; қоронғи уйда ўттиз икки садаф. (Тиш.)

4. «Поезд» ўйини.

**«Ү»**

1. Ўйқу — умумбиологик ва физиологик эҳтиёж.

2. «Ү» товушини тўғри талаффуз этишга ўргатиш.

3. 3. Иброҳимованинг «Ўйқу хафа бўлди» эртагини ҳикоя қилиб бериш.

4. «Ким ва нима қандай қичқиради?» ўйини.

## 5. Ҳазил саволлар.

Түшимдә ёввойи ҳайвонлар мени талади, улардан қандай күтулиш мүмкін? (Уйғониб.)

### «Ф»

1. «Футбол — оммавий спорт тури» мавзусида сұхбат.

2. «Ф» товуши билан таништириш. «Пуффак пулфлаймиз» ўйини.

3. «Фаросатли эшак» ертагини ўқиб бериш.

### «Топищмоқ»:

Түя десам каттакон, усти кенг бир макон,  
Үйдай жойни олар, сичқондан құрқар. (*Фил.*)

### «Х»

1. «Хоккей» ўйини ҳақида маълумот бериш.

2. Тез айтиш.

3. С. Шеързийнинг «Хотам түгрисида» ҳикоятини ўқиб бериш.

4. Топищмоқ: Эрта туради, жар чақиради (*Хүрөз.*)

5. «Хүрөзлар жанги» ҳаракатли ўйини.

### «Э»

1. Эснаш — қандай ҳолат? (Психологик тренинг.)

2. «Э» товушини талаффуз этишга ўргатиш.

3. «Эчки қандай маърайди?» ўйини.

4. «Қувноқ эстафета» ҳаракатли ўйини.

### «Ю»

1. Югуриш ва унинг аҳамияти. (Сұхбат.)

2. «Юргурғанники әмас — буюрганники» мақолини қандай тушунасиз? Манзарали савол-жавоб.

3. 15—20 см бүлган түсікілардан югуриб ўтиш.

### «Я»

1. Яссиоёқлик нима? Ота-оналар учун сұхбат.

2. Оёқни бүёққа ботириб олиб, тасвир ясашни ўрганамиз.

3. Топищмоқлар:

4. Тез айтиш: Яшнар Яшиннинг яшигига ялпиз солди.

5. М. Монтесори усули. Япроқларни бүёққа ботириб, турли-туман шакллар ҳосил қилиш.

### «Қ»

1. Ўйинчоқлар болаларни нимага ўргатади? (Баҳс-мунозара.)

2. Қайси боланинг исмида, меванинг номида, парранда-нинг номида, қизнинг исмида «Қ» товуши бор?

3. Тез айтиш: Ўқтам ва Ўткир ўтлоқда ўтирди.

4. «Ким тез ўрайди?» ҳаракатли ўйини.

5. Ўрдак расмини чизамиз.

## Санитария-гигиенага доир нутқ ўстириш машқлари<sup>1</sup>

### САЛИМЖОН – НИМЖОН

Салим, Салим, Салимжон,  
Бунча бўлдинг сен нимжон.  
Коптот мисол семирдинг,  
Гўё танинг хамиржон,  
Салимжон — нимжон.  
Айтаверсак бир четдан  
Доим қочдинг меҳнатдан,  
Ҳеч қилмайсан ҳаракат,  
Асло борми файратдан.

Салимжон — нимжон.  
Ҳеч бир чиқмай офтобга,  
Рангинг ўхшар бетобга,  
Уйқу босиб кўзингни,  
Қаролмайсан китобга.  
Салимжон — нимжон.  
Бизлар каби куч йиққин,  
Тур, ўртоқжон, тез чиққин,  
Бўларсан полвон.

### ҚУРБАҚАЛАР МУСОБАҚАСИ

Вақа, вақа, вақ-вақа, антиқа мусобақа,  
Ҳовузда уч қурбақа,  
Ўйнашли мусобақа.  
Ким узоққа сакрашга,  
Қоидани сақлашга,  
Чиқиб ҳовуз четига,  
Сакрашли сув бетига.  
Учаласи учишли  
Бир мўлжалга тушишли.  
Сўнг бошлиши сузишга,  
Ким чаққонроқ ўзишга.  
Бирдан сузиб кетишли,  
Учовлон тенг етишли.

<sup>1</sup> Ушбу машқлар учун болалар шоирларининг шеърларидан фойдаланилди.

Сұнг сайрашға «Вақ-вақа»  
Үйнашди мусобақа.  
Бирдан сайраб кетишиди.  
Роса яйраб кетишиди!  
Унитилди шартлари,  
Топилмади мардлари,  
Шовқин-сурон ичидә  
Қулоқлар битти жуда!  
Ховуз тұла қурбақа,  
Үйнашар мусобақа.  
Вақа-вақа. Вақа-вақа,  
Антиқа мусобақа!

### МУШУК-СИЧҚОН

Дилни чоғлаб,  
Шүх дүмбоқлар.  
Кенг майдонда құвнашар,  
Тұп-тұп бұлиб,  
Құл ушлашиб үйнашар.  
Кувлашар  
«Хо-хо»лашар.  
Үғил-қызлар күчада.

Бири мушук,  
Бири сичқон.  
Сичқон елдай учади.  
Қачон күрсанд  
Бұлиб хурсанд.  
Болалар шодон қулар.  
Мушук-сичқон  
Үйнашар-у,  
Уришқоқ әмас улар.

### СОЧИҚ

Мен сочиқман, сочиқман,  
Күнгли доим очиқман.  
Борман, ҳар үй, ҳар жойда,  
Шайман меңнат бор жойда.  
Хамма суртар юзига

Суртар юзу күзига.  
Тун-күн меңнат қылсам ҳам  
Үзим кирга тұлсам ҳам.  
Элни тоза қылсам бас —  
Шудир орзуим холос.

### ҮЙИН

Ойдин, Лола ғоз бұлды,  
Үйинимиз соз бұлды.  
Зокир оч тулки бұлды,  
Фозларни кутиб турди.

Фозлар қочди даладан,  
Қүрқиб тулки боладан.  
Тулкимиз етолмади,  
Фозларни тутолмади.

## СУВ БИЛАН СУХБАТ

Хой, сен жайрон тойчамдек,  
Үйнаб-үйнаб оққан сув.  
Далаларда байрамдек  
Гулдан безак таққан сув.  
Кулоқ солгин сўзимга,  
Нега бунча шошасан?  
Қаердан бу келишинг?  
Қирғоқлардан тошасан?

Яхши бола, тойчангдек,  
Үйнаб-кишнаб келишим,  
Қир-адирлар оралаб,  
Шамол каби елишим —  
Кўрасанми, ҳў, ўша,  
Оппоқ қорли тоғлардан,  
Шошиб, оқиб келаман,  
Далалардан, боғлардан.

## ГИЖИНГТОЙМИЗ

Ишимиз кўп, отимиз — чўп.  
Чопқиллаймиз, тапиллаймиз.  
Кичкитоймиз, гижингтоймиз.  
Ҳазиллашиб, ҳазиллашиб  
Кувлашамиз, қувнашамиз.  
Кичкитоймиз, гижингтоймиз.  
Бизлар ҳар кун —  
Ўсиб дуркун.  
Куч йигамиз, чиниқамиз.  
Кичкитоймиз, гижингтоймиз.

## ЖЎЖА

Менинг товугим очди,  
Ўн битта жажжи жўжа.  
Жўжаларим ичидা,  
Бири чиройли жуда.

Жўжаларим ўрганди,  
Менга ҳозир жуда ҳам.  
Чақирсам мен уларни  
Чопиб келишар дарров.

## СОҒЛОМЛАРГА САЛОМЛАР

Баданлари чиниққан,  
Мускули бўртиб чиққан,  
Яхши ухлаб тиниққан,  
Қалби олган оромлар,  
Соғломларга саломлар.

Бўш вақтида ўйнаган,  
Эгри қадам қўймаган,  
Ялқовликни сўймаган,  
Анграйиб қолган хомлар,  
Соғломларга саломлар.

Сиз барчага ўрнаксиз,  
Чиндан ҳам довюраксиз,  
Ватан, халқа кераксиз,  
Топгансиз эхтиромлар,  
Соғломларга саломлар.

Үткир, равшан күзлари,  
Заб келишган ўзлари.  
Нокдай таранг юзлари,  
Ҳавас қилган рассомлар,  
Соғломларга саломлар.

Касалга йўл бермаган,  
Хеч ёмонлик кўрмаган,  
Ишлаганда терлаган,  
Яшайверинг, согломлар,  
Сизга дилдан саломлар.

### ЯША СОВУН, ЯША СУВ!

Микроблар бўлар жуда қув,  
Яшириниб юрар у.  
Унга қарши курашган  
Яша совун, яша сув!  
Ишлаганда кўпирган,  
Доғларни ҳам учирган,  
Чарчамаган хизматда,  
Яша совун, яша сув!

Озодалик асоси,  
Буюмларнинг аълоси,  
Микробларни қирувчи,  
Яша совун, яша сув!  
Юзларимни юваман,  
Ялқовликни қуваман.  
Соғлиқ берган танамга  
Яша совун, яша сув!

### ТОНГДАГИ ҲАВО

Тонгдаги ҳаво  
Ҳарир-покиза.  
Борми унда ё,  
Сеҳру мўъжиза?  
Тонг ҳавосининг  
Йўқdir губори,  
Таралгай гулнинг  
Ҳиди-ифори.  
Тураман барвақт,  
Ишламоқ учун  
Ишга енгимни  
Шимармоқ учун.  
Гул баргларида  
Малҳам сингари  
Танга сингади.

Ялтираб шабнам  
Боқиб қоламан.  
Хайратда бир дам.  
Атроф шунчалар,  
Ёқимтой-илиқ  
Эсар шаббода.  
Қилгандай қилиқ.  
Тонги ҳавога,  
Тўлганда ўпкам,  
Янада гўзал  
Кўринар ўлкам.  
Тонгдаги ҳаво  
Тоза-мусаффо.  
Минг бир тасанно,  
Эй, тонгги ҳаво!

## ТИШЛАР ҚҰШИГИ

Үттиз икки ўртоқмиз,  
Дурдонамиз, оппоқмиз.  
Пасту баланд жойлашиб,  
Турамиз иш пойлашиб.  
Биз тишилармиз, тишилармиз.  
Бизлар ўткір ишчимиз,  
Ўз ишига изчилмиз.  
Айтайлик шартимиздан:  
Асранглар совуқ, муздан!  
Биргалиқда ишилармиз,  
Тишилармиз, ишилармиз.

Аскарлардай саф тортиб,  
Сақтаймиз одоб, тартиб.  
Хизматдамиз соғлиққа —  
Шодликка, дил өнглиққа.  
Учраттанмиз баъзини  
Ювмас тишу оғзини...  
Тоза тутса әгамиз,  
Дилдан хизмат этамиз.  
Биз тишилармиз, тишилармиз  
Биргалиқда ишилармиз,  
Тишилармиз, ишилармиз.

## ЁСТИҚЛАР ТАСДИҚЛАР

Күшиғимиз янграса,  
Эшитса ҳар дангаса  
Туролмаса ўрнидан,  
Тортишса ҳам бурнидан.  
Бу гапларни ёстиқлар  
Тұғри, дея тасдиқлар.  
Қиша, кузда, ёзда,  
Яшайди ҳам мудрайди.  
Ўзин зүрға судрайди.

Бу гапларни ёстиқлар,  
Тұғри, дея тасдиқлар.  
Тұшакка ёпишганми?  
У билан топишганми?  
Ұранволиб күрпага  
Ётаверса жүртага.  
Бу гапларни ёстиқлар,  
Тұғри, дея тасдиқлар.

## СОЧИҚ

Кир бўлса кўлу юзим  
Ювиб артаман ўзим.  
Миннатдорман, очиги,  
Сендан оппоқ сочиғим.

## АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Глазирина Л.Д. Мактабгача ёшдаги болалар учун жисмоний тарбия. Дастур ва дастурий талаблар. М., Владос, 1999.
2. Синкевич Е.А. Кичкинтойлар учун жисмоний тарбия. М., 1996.
3. Болькова Т.Г. Тарбиячилар учун услугбий қўлланма. «Детство-пресс». Санкт-Петербург. 1999.
4. Голубева Л.Г. «Болаликдан ўсмирилик сари» дастури бўйича тарбияланётган 4—5 ёшли болаларнинг саломатлигини мақбуллаштириш йўллари ва услублари. Тарбиячилар, отоналар ва жисмоний тарбия йўриқчилари учун услугбий қўлланма. Калуга, 1992. Болалар боғчасидаги бўш вақт ва спорт байрамлари. М., 1996.
5. «Бутун оила учун массаж». Оилавий альбом. Санкт-Петербург, 1996. Она ва бола саломатлиги. Энциклопедия. Академик Лукъянова Е.М. таҳрири остида. Киев, 1993.
6. Бердихова Яна. «Ойи, дада, мен билан шуғулланинг». М.: ФИС, 1990. Мактабгача таълимнинг давлат стандарти. ЎзПФИТИ, 1995. Тошкент.
7. Вавилова Е.Н. «Югуриш, сакраш, тирмасиш, улоқтиришга ўргатинг». Болалар боғчаси тарбиячилари учун қўлланма. М.: «Просвещение», 1998.
8. Казакова Г.Д. Уч ёшли болаларни согломлаштиришнинг ташкилий-услубий нуқтаи назарлари. Минск, 1993.
9. Мартинов С.М. Боланинг соғлиги сизнинг қўлингизда. Ленинград, 1991.
10. Осокина Т.И. Болалар боғчасида жисмоний тарбия. М., 1986.
11. К.Маҳкамжонов. Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий ва кенгайтирилган жисмоний тарбия дастури. Т.: XTB, РТМ, 1994.
12. К.Маҳкамжонов, Х.Туленова, Ш.Мирзамахмудов. Фарзандинг соғлом бўлишини истасанг. Т.: ЎзДАВЖТИ, 1995.
13. Ф. Латипова. Уч ёшгача бўлган болалар учун жисмоний тарбия. Т., 1979.

14. **Туленова Х.Б.** Мактабгача таълим муассасаларининг 5—7 ёшгача бўлган болалар жисмоний тарбиясини такомиллаштириш. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эришиш учун ёзилган диссертация. Т., 2000.
15. **Луури Ю.Ф.** Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний тарбияси. М. «Просвещение», 1991.
16. **Баль Л.В., Ветрова В.В.** Мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ўқувчилари учун саломатлик алифбоси. М. ТЦ «Сфера», 2000.
17. **Х.Т.Аҳмедова** ва бошқалар. Болангиз мактабга тайёрми? «Маърифат — Мададкор». 2000. Учинчи мингийилликнинг боласи таянч дастури. «Маърифат — Мададкор» нашриёти, 2001.
18. «Истоки» («Манбалар»): Мактабгача ёшдаги болани ривожлантиришнинг асосли дастури. Тамойил. М., 1995.
19. «Детство» («Болалик»): Кичкинтойларни болалар боғчасида тарбиялаш ва ривожлантириш дастури. СПб. «Акцистент», 1996.
20. **Змановский Ю.Ф.** Ҳаракатли фаолликни оқилона ташкил этиш. М., 1991.
21. **Д.Ж.Шарипова, С.Р. Мұхәмединеева.** Саломатлик алифбоси (гиgiene ва соғликни сақлаш масалалари юзасидан мактабгача ёшдаги болаларнинг билими). Т., 1999.
22. **Д.Ж.Шарипова** ва бошқалар. Кичкинтойларни гигиеник тарбиялаш. Т., «Ўқитувчи», 1997.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
Ота-оналар, бўлгуси тарбиячиларнинг мактабгача ёшдаги болаларнинг гигиеник тарбиясига оид билимларини ошириш .....	6
Хуроса .....	51
<b>1- илова</b>	
Қоматнинг бузилишини олдини олиш учун машқлар мажмуи .....	56
<b>2- илова</b>	
<b>Саломатлик алифбоси</b>	
Ота-оналар ва МТМ тарбиячиларининг санитария-гигиена бўйича саводхонлигини оширишга доир услубий қўлланма .....	63
Санитария-гигиенага доир нутқ ўстириш машқлари .....	72
Адабиётлар рўйхати .....	77

III 26 Д. Шарипова. Агар болам соғлом бўлсин десангига  
Оилада санитария-гигиена қоидаларига амал қилишга  
оид билимлар, малака ва кўнкималарни шакллантириш.  
Д. Шарипова, М. Тоирева, С. Муҳаммадиева — Т.: „ILM  
ZIYO“, 2006. — 80 б.

I.Тоирева М. II. Муҳаммадиева С.

ББК 51.28я7

## АГАР БОЛАМ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

*Мактабгача таълим муассасалари мураббийлари  
ва ота-оналар учун методик қўлланма*

Тошкент «ILM ZIYO» нашриёт уйи, 2006

Муҳаррир Г. Насриддинова  
Бадиий муҳаррир Ш. Қажхоров  
Техник муҳаррир Ф. Самадов  
Мусаҳҳих М. Иброҳимова

2006 йил 29 сентябрда чоп этишга рухсат берилди. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>.  
«Таймс» ҳарфида терилиб, офсет усулида чоп этилди. Босма табоқ 5,0.

Нашр табоғи 5,0. 6650 нусха. Буюртма № 228

«ILM ZIYO» нашриёт уйи. Тошкент, Навоий қўчаси, 30- уй.  
Шартнома — 89—2006

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faфур Гулом  
номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Тошкент. У. Юсупов қўчаси, 86- уй.



**«ILM ZIYO»**